

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

1-МЖ-12 гуруҳ талабаси

Ахмаджанов Мирзаолим Муроджон ўғли
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш тизимини
ривожлантириш
(Янгиқўрғон тумани мисолида)

Илмий раҳбар:

Т.Дадабоев

Наманган-2016

Аннотация

Ахмаджанов Мирзаолим Муроджон ўғлининг Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш тизимини ривожлантириш (Янгиқўрғон тумани мисолида) мавзусидаги битирув малакавий ишида Мамлакатимизда Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш тизимини ривожлантиришда қўл келадиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида қишлоқ хўжалигида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг ўрни ва аҳамияти, қишлоқ хўжалигида мевалар ва сабзавот маҳсулотларининг сақлашнинг тарихи ва маҳсулотларни сақлашнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, модернизация шароитида мева-сабзавотлар маҳсулотларини етиштириш ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлашнинг ўрни, мева-сабзавот маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлашни ташкил этиш ва маҳсулотларни сақлаш усуллари ва мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлилигини ошириш, сотиш ва экспортдаги ўрни ва аҳамияти ёритилиб берилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида Наманган вилояти Янгиқўрғон туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш хажмини оширишнинг иқтисодий тахлили, Янгиқўрғон туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг кўрсаткичлари тахлили, янгиқўрғон туманида қишлоқ маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш хажмини оширишнинг тахлили қилинган.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш тизими ва истеъмолчиларга етказиш соҳасини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш тизимини самарадорлигини ошириш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.

Хулоса қисмида мавзуга оид фикрлар умумлаштирилган ва тадқиқот натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

КИРИШ

Мавзусининг долзарблиги. Бугунги жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёнида ҳар бир мамлакат ташқи иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бу – мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш ҳамда унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашдан иборатдир. Чунки экспорт салоҳиятини юксалтириш нафақат муайян бир мамлакатнинг, балки ҳар бир ташқи иқтисодий фаолият субъектининг ҳам туб манфаатларини кўзда тутди.

Маълумки, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг туб замирида мамлакат ободлиги, халқимиз турмуш шароитининг янада яхшиланиши ва инсон манфаатлари мужассамдир. Республикамиз иқтисодиётида эса қишлоқ хўжалиги соҳаси муҳим ўрин тутди.

Мустақил Республикамизда йилдан-йилга сабзавот ва мевалар этиштириш ортиб бормоқда. Сабзавот ва меваларнинг сифати, бир томондан, уларнинг тури ва навига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан уларни териш ва узиш муддатлари ҳамда уларни саралаш, товар ҳолатига келтириш, жойлаш, ташиш, сақлаш усулларига тўлиқ риоя қилиб боришга ҳам боғлиқдир. Бу ишлар ўз вақтида ва аоло бажарилганда маҳсулотнинг сифати ва таоми янада ортади. Шунингдек, инсон организми учун жуда зарур бўлган қанд, витаминлар, биологик фаол ва минерал моддаларнинг кўплиги ноз-неоматларининг озиқалиги, тўйимлиги ва шифобахшлик аҳамиятини янада оширади. Шу сабабли ҳўл сабзавот, мева ва узумни имкони борича юқори сифатли ҳолда узоқ вақт сақлаш асосий вазифадир.

Мева-сабзавотлар аҳолининг озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга, саломатлигини сақлаш бўйича асосий ресурслардан бири бўлиб ҳам хизмат қилади. Шунинг учун мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини ривожлантириш каби масалалар замонавий талаблар даражасида ҳал қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентмиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “...Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда”¹.

Ҳозирги қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган изчил иқтисодий ислохотлар аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириши ва шу билан бир пайитда бугунги куннинг энг катта муоммоларидан бири бўлган озиқ овқат хавсизлигининг олдини олиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш миқдори ортиб борган сари уларни сақлаш ва қайта ишлаш ҳам тўғри йўлга қўйилиши керак, бунинг учун эса

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил.

янги замонавий омборхоналар ва қайта ишлаш корхоналари бунёд этилиши, қолаверса, бу борадаги фан-техника ва илгор технологияларни тадбиқ этиш, хориж тажриба ютуқларини ўрганиб ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади

Шунинг учун бугунги куннинг қишлоқ хўжалик мутахасислари қишлоқ хужалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш технологияларини пухта билишлари катта амалий аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини билиш, стандартлаш системаси билан танишиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиясининг ўзлаштирилиши маҳсулот сифатини оширади ва нобудгарчиликни имкони борича камайтиради. Ҳозирги қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган изчил иқтисодий ислохотлар аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириши ва бу соҳадаги таъминотни тубдан яхшилаб жаҳон андозаларига тенглаштириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатлар диплом иши мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжаликларида мева-сабзавот етиштириш ва ташиш соҳасини ривожлантириш масалаларида аграр иқтисодчи олимлардан С.Н.Усмонов, Р.Х.Хусанов, Н.С.Хушматов, Т.Х.Фармонов, А.М.Қодиров, Ч.Муродов, О.Жумаев, М.Собиров, Х.С.Хушвақтова, Қ. Ҳасанжонов, К.Чориев, А.Абдуғаниев, Э.Акрамов, А.Жўраев, А. Шокиров, Ш.Х.Мўминовлар илмий изланишлар олиб боришган.

Шу билан бир қаторда юқоридаги муаллифларнинг илмий ишлари турли даврларда, мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантиришдаги умумий иқтисодий масалаларига бағишланган бўлиб, хусусий секторда боғдорчилик тармоғини, мева етиштириш, сақлаш ва сотиш тизимини ривожлантириш масалалари эътибордан четда қолмоқда.

Диплом ишининг мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида Қишлоқ хўжалигида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш юзасидан амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда Диплом ишида куйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал қилинди:

- **Қишлоқ хўжалигида мевалар ва сабзавот маҳсулотларининг сақлашнинг тарихи ва маҳсулотларни сақлашнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ўрганиш;**

- Модернизация шароитида мева-сабзавотлар маҳсулотларини етиштириш ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлашнинг ўрнини кўриб чиқиш;

- Мева-сабзавот маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлашни ташкил этиш ва маҳсулотларни сақлаш усуллари ўрганиш;

- Мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлилигини ошириш, сотиш ва экспортдаги ўрни ва аҳамияти ўрганиш;

- Янгиқўрғон туманида қишлоқ маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш ҳажмини оширишнинг аниқлаш таҳлили қилиш;

- Янгиқўрғон туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш тизимининг таҳлили қилиш;

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш тизимини самарадорлигини ошириш йўналишлари кўриб чиқиш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасини ривожлантириш муаммоларини ўрганиш;
- Боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш тизимини ривожлантириш имкониятлари аниқлаб улар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Диплом ишининг объекти сифатида Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани қишлоқ маҳсулотларини етиштириш, сақлаш қайта ишлаш ва сотиш объектларлари белгиланган.

Диплом ишининг предмети сифатида Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани иқтисодиёти тармоқларида фаолият кўрсатаётган етиштириш, сақлаш қайта ишлаш ва сотиш объектларлари ўртасидаги мавжуд иқтисодий муносабатлар мажмуи танланди.

Диплом ишининг услубий ва назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакат модернизациялаштириш сиёсатида оид асарлари, Қишлоқ хўжалиги инфиратузилмасини ривожлантиришига бағишланган хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий ишлари, Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари ташкил этади.

Битирув малака иши бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Сатистика Қумитаси, Наманган вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси, Статистика бошқармаси ҳисоботлари ҳамда таҳлиллар натижаларидан фойдаланилди.

Диплом ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишда қишлоқ хўжалигининг баркарор ривожланиши, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ва уни сақлаш,ташиш ва сотишни ривожлантириш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш юзасидан ишлаб чиқилган ёндашувлардан Наманган вилояти иқтисодиётининг аграр соҳаларида маҳсулот қайта ишловчи ва экспорт қилувчи корхоналарни истикболда ривожлантириш режаларини асослашда, Иқтисодиёт таълим йўналишларида тахсил олаётган талабаларга «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», «Қишлоқ хўжалигида менежмент», «Тадбиркорлик асослари», “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” фанларини ўқитишда, ҳамда Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан мазкур масалага оид дастурий ҳужжат ва амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Диплом ишининг таркиби Битирув малака иши Қириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ташкил топган.

I Боб. Қишлоқ хўжалигида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг ўрни ва аҳамияти

1.1. Қишлоқ хўжалигида мевалар ва сабзавот маҳсулотларининг сақлашнинг тарихи ва маҳсулотларни сақлашнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.

Мева-сабзавотлар аҳолининг озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга, саломатлигини сақлаш бўйича асосий ресурслардан бири бўлиб ҳам хизмат қилади. Шунинг учун мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини ривожлантириш каби масалалар замонавий талаблар даражасида ҳал қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентмиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек «...мамлакатимиз **қишлоқ хўжалигида** ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли ўтган йили мўл ҳосил етиштирилди – 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони барпо этилди.

Таъкидлаш керакки, бундай мўл ҳосил асосан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селекция ишларини яхшилаш, ғўза ва бошоқли дон экинларининг районлаштирилган навларини жорий қилиш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш эвазига таъминланди.

Мамлакатимизда буғдойдан гектаридан ўртача 55 центнер ҳосил олингани, айрим туманларда бу кўрсаткич 60-77 центнерни ташкил этгани, ҳеч шубҳасиз, фермерларимизнинг улкан ютуғидир.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлари ҳам жадал суръатларда ривожланди. Ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.

Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда².

Ҳозирги қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган изчил иқтисодий ислохатлар аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириши ва шу билан бир пайтда бугунги куннинг энг катта муоммоларидан бири бўлган

² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил.

озик овқат хавсизлигининг олдини олиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устивор вазифа сифатида изчил давом эттирилиши таъкидланди.

Шунинг учун бугунги куннинг қишлоқ хўжалик мутахассислари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш технологияларини пухта билишлари катта амалий аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини билиш, стандартлаш системаси билан танишиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиясининг ўзлаштирилиши маҳсулот сифатини оширади ва нобудгарчиликни имкони борича камайтиради. Ҳозирги қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган изчил иқтисодий ислохотлар аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириши ва бу соҳадаги таъминотни тубдан яхшилаб жаҳон андозаларига тенглаштириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш микдори ортиб борган сари уларни сақлаш ва қайта ишлаш ҳам тўғри йўлга қўйилиши керак, бунинг учун эса янги замонавий омборхоналар ва қайта ишлаш корхоналари бунёд этилиши, қолаверса, бу борадаги фан-техника ва илгор технологияларни тадбиқ этиш, хориж тажриба ютуқларини ўрганиб ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. «Қишлоқ хўжалиги ва дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси» курси бўйича ёзилган мазкур дарслик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини қабул қилиш, жойлаштириш, ва сақлашда юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал қилиш чора - тадбирларини очиқ беришга имкон яратади.

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалик мутахассислари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш технологияси курсини пухта билишлари катта амалий аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини билиш, стандартлаш системаси билан танишиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиясининг ўзлаштирилиши маҳсулот сифатини оширади ва нобудгарчиликни имкони борича камайтиради.

Инсон қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеомол эта бошлагандан буён уни сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланиб келади. Етиштирилган маҳсулотни нес-нўбуд қилмасдан ва сифатини пасайтирмасдан сақлаш ва ундан унумли фойдаланиш қадимдан инсон эҳтиёжларидан бири бўлган. Кўчманчи қабилалар йиғилган мева ва уруғларни сақлаш учун табиий омборлар - ғор, дарахтларнинг ғовақларидан фойдаланишган, кейинчалик эса маҳсус эртўлалар қуришган. Қабилалар ўтроқ бўлиб яшай бошлаган пайтда ортиқча маҳсулотларини сақлаш, шунингдек, уларни зараркунандалардан асрашни ўргана бошлаган.

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга алоҳида эътибор бериб келишган. Минтақамизда об-ҳаво йил ва бир кеча-кундузда ўзгарувчан бўлганлиги сабабли гўшт, ёғ, сут, балиқ, тухум каби маҳсулотлар иссиқда тез айнийди, жуда қаттиқ совуқда эса сабзавот ва мевалар музлаб қолади. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашнинг энг қадимги усулларида кўмиб ёки илиб сақлаш, қоқи олишда қуриштириш қабилалар кенг қўлланилган. Маҳсулот сақлашда сабзавот, дон, мева, гўшт, қазӣ ва тухумни кўмиб, полиз маҳсулотларини осиб сақлаш, турли мева, қовун, помидорлардан қоқи олиш, узум, райхон, кашнич, жамбил ва қизил қалампирни

куритишни амалда кенг қўлланилиши шулар жумласидандир. Асосан, курук маҳсулотлар тез бузилмайдиган ҳисобланиб, улар курук жойда, шиша, чинни ёки сопол идишларда, ёпиладиган қоғоз ва ёғоч қутиларда, сандиқларда сақланган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича маолумотлар Марказий Осиёда ИХ-ХИИ асрларда ёритилган. Ибн ал Хайсам (965-1035), Ибн Хатиб ар Розий (1149-1209), Ибн Рашта (ХИИ аср), Ибн Ҳаммар (942 йилда туғилган) Муҳаммад Ибн Бахром (1194 йилда вафот этган), Абу Ҳамид Ибн Али Ибн Умар, Хасрат Машҳадий Сайид Муҳаммад (ХВИИ аср) кабиларнинг асарларида деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишлаш тилга олинган. Улар бу маҳсулотларнинг фойдалилигини ва уларни қи-шин - ёзин истеомол қилиш зарурлигини батафсил баён этганлар.

Мустақил Республикамизда йилдан-йилга сабзавот ва мевалар этиштириш ортиб бормоқда. Сабзавот ва меваларнинг сифати, бир томондан, уларнинг тури ва навига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан уларни териш ва узиш муддатлари ҳамда уларни саралаш, товар ҳолатига келтириш, жойлаш, ташиш, сақлаш усулларига тўлиқ риоя қилиб боришга ҳам боғлиқдир. Бу ишлар ўз вақтида ва аоло бажарилганда маҳсулотнинг сифати ва таоми янада ортади.

Шунингдек, инсон организми учун жуда зарур бўлган қанд, витаминлар, биологик фаол ва минерал моддаларнинг кўплиги ноз-неоматларининг озиқалиги, тўйимлиги ва шифобахшлик аҳамиятини янада оширади. Шу сабабли ҳўл сабзавот, мева ва узумни имкони борица юқори сифатли ҳолда узок вақт сақлаш асосий вазифадир.

Этиштириладиган жойнинг ўзида-хўжаликларда янги сабзавот, мева ва узумни сақлаш мақсадга мувофиқлигини фан ва амалиёт томонидан исботланган. Сабзавот ва меваларни маҳсулот этиштирилган хўжаликнинг ўзида сақланса, улар анча узок муддат сақланади ва чириб нўбуд бўлиши 15-20 фоизга камаяди. Шунини таокидлаш керакки, хусусан Ўзбекистон шароитида мева, сабзавот ҳосилини йиғиштириш, транспортда ташиш ва сақлаш масалалари ҳали чуқур ўрганилмаган сабзавотчилик ва мевачилик соҳаларида эришилган фан ютуқлари ва илғор ишлаб чиқариш тажрибалари эса хўжаликлар ўртасида унчалик кўп тарқатилмаяпти.

Қўлда бажариладиган мева-сабзавотларни сақлаш усуллари қимматга тушади ва ишлаб чиқариш шароитларига мос келмайди. Эскича сақлаш усуллари ҳозирги бозор иқтисоди талабларига жавоб бера олмай қолди. Шу боисдан кўп микдорда сабзавот ва мева маҳсулотларини яхши сақлашга имкон берадиган янги усулларни қидириб топиш ва ишлаб чиқариш зарур. Ёз ойлари жазирама иссиқ Ўзбекистон учун бу маҳсулотларни сақлаш режими ҳам, бўлакчарок ҳар хил турдаги омборлар, ҳосил йиғиштириш усуллари ҳам бирмунча бошқа бўлиш керак.

Маолумки, деярли ҳамма сабзавотларни бир неча соатдан 8-9 ойгача сақлаб қўйилади. Аммо, янги маҳсулот сақлангандан вазнининг табиий равишда камайишини атиги бир фоизга тушуриш-нинг ўзи ўн минглаб тонна маҳсулотни тежаш имконини беради.

Шунинг учун сабзавот ва мева этиштирадиган хўжаликларнинг ҳамда маҳсулот тайёрлаш идоралари ва сақлаш манзилларининг ходимларида ана шу масалаларга жиддий эотибор берилиши талаб қилинади, шундагина аҳоли этиштирилган мева, узум, картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотларидан ўз талабига мувофиқ равишда тўла бахраманд бўлиши мумкин. Аҳолини мева ва сабзавотлар билан йил бўйи бир текис таоминлаб туриш учун ҳар қайси экинни, экиш муддатларини навлар бўйича

режалаштирилиши ва маҳсулот тасдиқланган режа асосида этикиб турилиши лозим.

1.2. Модернизация шароитида мева-сабзавотлар маҳсулотларини етиштириш ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлашнинг ўрни

2016 йилги ҳосилдан бошлаб ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси жорий этилгани айна муддао бўлди. Бу нақадар тўғри қарор бўлганини, ҳозир-ку, майли, яна бир неча йил ўтгандан кейин теранроқ англаймиз.

2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифа ва устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, шунингдек, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ҳамда диверсификациялашнинг ўрта муддатли дастурлари изчил бажарилиши самарасида жорий йилнинг биринчи ярмида барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий мувозанат ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиши таъминланди.

2014 йилнинг биринчи ярмига нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,1 фоиз, саноат маҳсулотлари 8,1 фоиз, кишлок ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажми 6,5 фоиз ўсди. Макроиқтисодиёт барқарорлигини янада мустаҳкамлаш давлат бюджети профицитининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз ва мамлакат ташқи савдо айланмасининг 83,4 миллион долларлик ижобий сальдоси ҳамда солиқ юқини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17,7 фоиздан 17,4 фоизга изчил камайитириш орқали таъминланди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари жами ички даромадни 10,8 фоиз ошириш имконини берди. Шунингдек, истеъмол талабини рағбатлантириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар чакана савдо айланмаси ҳажминини 14,8 ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни 10,4 фоиз оширишда ўз ифодасини топди.

2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури ижроси доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида 7,5 мингдан зиёд хизмат кўрсатиш ва сервис объектларининг ташкил этилиши хизматлар ҳажмининг 13,1 фоиз ўсиши ва ялпи ички маҳсулотда ушбу соҳа улушини 52,9 фоизгача ошириш имконини берди (2014 йилнинг биринчи ярмида 52,7 фоиз).

Эътибор берайлик, давлат буюртмаси доирасида тузиладиган контрактация шартномалари қийматининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўнак берилиши белгилаб қўйилгани маҳсулот етиштирувчининг оғирини енгил қилиш дегани-да. Зеро, бизнеснинг оддий қондасига кўра, мўмай даромад олиш учун аввал маблағ сарфлаш ва икки баравар қилиб қайтариш чорасини кўриш керак. Ажратиладиган бўнак пули бизни сармоя жамғариш ташвишидан халос этади. Аслида бу муҳим ҳужжатнинг ҳар бир банди ҳақида алоҳида-алоҳида мақола тайёрлаш мумкин. Масалан, қарорнинг бир бандида ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум деҳқону фермер билан келишилиб, бозор нархларида харид қилиниши аниқ кўрсатилган. Ахир бу шунчаки қулайлик эмас, кишлок мулкдорига эркин фаолият юритиши учун яратилаётган шарт-шароитларнинг амалий намунаси! Бизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ифодаси кейинги бандда ўз аксини топган. Унинг мазмуни шундан иборатки, тайёр маҳсулотимизни чет элга сотиш ишлари “Ўзагроэкспорт” ихтисослаштирилган ташқи савдо

компанияси томонидан хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали амалга оширилади ва бунда комиссия хизмати учун тўлов миқдори 1 фоиздан ошмайди.

Аграр тармоқ мутахассислари, кўпни кўрган деҳқонлар ушбу қарорни айна вақтида қабул қилинган ҳужжат сифатида эътироф этишяпти. Бунда икки жиҳат яққол кўзга ташланади. Биринчиси, ислохотларнинг босқичма-босқичлиги билан боғлиқ. Яъни, бизда аввал ҳам мева-сабзавотни кўпайтириш имконияти бор эди, уни асл ҳолича сақлайдиган омборларимиз, қайта ишлаш корхоналаримиз етишмасди. Тайёр маҳсулотни чиройли қадоқлаш бўйича тажрибамиз камлик қиларди.

Йиллар давомида бу борадаги вазифалар тадрижийлик асосида бажариб келинди. Фикримиз исботи учун бир нечта рақам келтиришнинг ўзи кифоя:

2015 йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса йил давомида нархларнинг ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш баробарида эҳтиёждан ортиқини юксак сифат белгиси билан экспорт қилиш имконини бермоқда.

Иккинчи жиҳат жаҳон мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари бозоридаги ўзгаришларга келиб тақалади. Масалан, илгари олма-анор ёхуд қовоқни бошқа жойлардан импорт қилган давлатлар ҳам айна пайтда Ўзбекистонга юзланаяпти. Боиси бизнинг маҳсулотларимиз табиийлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимиз ўзаро ҳамкорлик бобида хорижий шерикларнинг ишончини қозонди.

Бутун дунё кузатиб турибдики, республикаимизда аграр тармоқнинг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби йўналишлари жадал суръатларда ривожланыпти. Хусусан, ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.

2020 йилга қадар айна соҳада фақат давлат инвестиция дастурларига кўра 304 та йирик лойиҳа ва 5000 та янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиши режалаштирилган. Бу эса йилига қўшимча равишда 100 минг тонна озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилади деганидир. Мазкур лойиҳаларда янги технологияларни жорий этиш ва хомашёни чуқур қайта ишлашга алоҳида эътибор берилади ва уларнинг аксарияти қишлоқ жойларида амалга оширилади. Ушбу қарорнинг ўз вақтида қабул қилингани таъкидланаётгани эса унга асосан мамлакатимиздаги қайта ишлаш корхоналарини хомашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш, харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантирилганидан далолат беради

Мана, қаранг: 2019 йилнинг 1 январигача мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлайдиган хусусий мулк шаклидаги корхоналар, идоравий мансублигидан қатъи назар, замонавий ускуна ва технологиялар олиб киришда божхона тўловларидан (йиғимлар мустасно) озод этилди. Худди шу муддатда қайта ишлаш корхоналари ягона ижтимоий тўловдан ташқари даромад

солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ, давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар тўламайди. Солиқ ва божхона имтиёзлари орқали тежаб қолинган маблағлар эса тадбиркорга ишлаб чиқаришни модернизациялашда қўл келади.

Мева-сабзавотчилик мажмуасида маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари Мақолада мева-сабзавот мажмуасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тизимини ўрганишга эътибор қаратилган ва пировард натижада бу жараёнларни янада такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Республикамизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнида ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқалари такомиллашаётганлиги, нархлар ва иш ҳақи устидан назорат нисбатан сусайганлиги, ресурслар қимматлашиб бораётганлиги каби ҳоллар иқтисодий муносабатларга таъсир этмоқда. Бу бошқа тармоқлар каби агросаноат мажмуида ҳам ўзига хос муаммоларни келтириб чиқармоқда ҳамда соҳа тармоқларининг барқарор ва мутаносиб ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Агросаноат мажмуи фаолиятини баҳолаш давомида сезилаётганидек, мажмуада ўзаро зид ҳолатлар мавжуд. Бу қуйидагиларда намоён бўлади: авваламбор, бозорга томон силжиш жараёни қийин кечмоқда, аҳоли психологияси ўзгармоқда, бозор муносабатлари ҳаётий зарурат эканлиги англаб етилмоқда. Бу кўплаб ўн йилликлар мобайнида мутлақо бошқача ҳаёт кечирган, турмуш тарзию ишлаб чиқариши марказ томонидан белгиланиб, бутун қисмати ва тақдири марказдан бошқарилган Ўзбекистон учун жуда муҳим. Қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини сотиш бозори, кредит бозори, ахборот бозори ва бошқа бозорларга йўл топиши анча қийин кечмоқда. Бу аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасига ҳам маълум даражада салбий таъсир кўрсатади. Демак, мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат таъминотини мутассил яхшилаб бориш учун аввало агросаноат ишлаб чиқаришини мураккаб вазиятдан олиб чиқиш зарур. Бу эса ўзаро боғлиқ муайян ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирлар белгилаш ва изчил амалга оширилишини тақозо этади. Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, бу борада ўсишга эришиш ҳамда маҳсулот турларини бозорга хос талаб ва таклиф мезонларидан келиб чиқиб кескин ўзгартириш, сифатини ошириш энг асосий муаммо ҳисобланади. Мазкур муаммони ишлаб чиқаришнинг ички захираларидан фойдаланиб, давлат томонидан ташқи таъсир кўрсатиш имконини берувчи чора-тадбирлар тизимини уйғунлаштириш орқали ҳал этиш мумкин. Бунга эришиш учун қуйидаги чора-тадбирларни кўриш зарур:

- аграр соҳа ва унинг муҳим тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигининг мутаносиб фаолият юритишини, одатий вазиятларда ҳам, экстремал ҳолатларда ҳам кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг барқарор фаолиятига эришиш. Ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро кооперацияни қўллаб-қувватлаш;

- мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари манфаатлари аграр секторни ҳимоялаш бўйича халқаро савдо амалиётида қабул қилинган шу мақсадлардаги чора-тадбирлар билан уйғунлашувини назарда тутиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўлага ҳомашёси ҳисобига ташқи савдо таркибини оқилона тарзда кескин яхшилаш;

- озиқ-овқат маҳсулоти ва қишлоқ хўжалиги ҳомашёсини етиштириш, қайта ишлаш ҳамда сотиш тизимида қонунни четлаб ўтиш ҳолатларини истисно этувчи ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий шарт-шароитларни яратиш;

- Озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги ҳом ашёси етиштириш, уларни қайта ишлаш ҳамда сотиш жараёнларининг давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш, одатдаги шароитларда ҳам, экстремал шароитларда ҳам мамлакат озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг мўътадил фаолиятини кафолатлаш. Унутмаслик жоизки, агросаноат мажмуасида интеграция жараёнларини ривожлантирмай, ушбу вазифаларни ҳал этиб бўлмайди. Бу эса тармоқ ҳолатини яхшилашни тақозо этувчи муайян тадбирлар амалга оширилишини шарт қилиб қўяди. Агросаноат мажмуасида интеграция алоқалари агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, меҳнат тақсимоти, унинг ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш заруратига асосланади. Буларга эса фаолияти умумий техналогик жараёнлар ва якуний маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш босқичлари: қишлоқ хўжалиги ҳом ашёсини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш, моддий техника таъминоти, шунингдек, ишлаб чиқаришга сервис хизматлари кўрсатиш ва ҳоказо амалларни бажаришга йўналтирилган, бирлашган ташкилий - хўжалик тузилмаларини янада жипслаштириб, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги орқали эришилади. Фаолияти ўзаро боғлиқ бундай бўлинмалар мажмуи интеграцион тузилмалар, яъни ягона тизимда турли функцияларни бажарувчи корхоналар бирлашмалари шаклига эга бўлади. Интеграция интеграциялашувчи барча тузилмаларни янада самарали ривожлантириш мақсадида ижтимоий меҳнат тақсимоти ва кооперацияга асосланган объектив иқтисодий жараён ҳисобланади. Унинг муҳим йўналишларидан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг қайта ишловчи корхоналар билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишдан иборат. Айнан шундай ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги ёки етарли даражада ривожланмаганлиги бир томондан, қайта ишловчи корхоналар қувватлари иш билан тўлиқ таъминланмаслиги ва якуний маҳсулот сифати пасайишига олиб келса, иккинчи томондан, қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулотларини сотишда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, кўп йиллик тажриба кўрсатаётганидек, қайта ишловчи корхоналар кўпинча нафақат маҳсулотни харид қилиш, балки харид нархларини белгилашда ҳам монополист бўлишга интилади. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва қайта ишловчи корхоналар ўзаро ҳамкорлиги асосан қуйидаги учта йўналиш (услуг) да ташкил қилинади:

1. Вертикал интеграциялашган тузилмалар фаолиятига асосланган усул. Бунда мева- сабзавот ҳом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш бир компания назорати остида бўлади.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан ер участкалари уларнинг эгасидан ёки асосий ижарачи ҳисобланган қайта ишловчи корхоналардан, шу жумладан, давлатдан ижарага (субижарага) олинишига асосланган усул.

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчи корхоналар ўртасида маҳсулот етказиб бериш ҳақидаги тижорат шартномалари, бўнак бериш, хизматлар кўрсатиш ва ҳоказоларни ўз ичига олувчи янада мураккаб шартномалар асосидаги муносабатларга асосланган усул. Ўзаро ҳамкорликнинг биринчи усулида давлат қайта ишловчи корхоналарнинг инқирозга учрашига йўл

кўймаслик мақсадида уларга зарар кўрмай ишлаш учун ҳом ашёга эҳтиёжларни таъминлай оладиган даражадаги ер майдонларини топширади.

Ўзбекистонда вужудга келган шароитда фермерлар учун ўз маҳсулотини очик товар бозорида сотиш анча фойдали; иккинчидан, улар тез бузиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадилар. Улар бузилмасдан сақланиши учун тегишли шарт-шароит зарур. Фермерларда эса бундай шароит йўқ. Шу боис улар маҳсулотларини ҳосил йиғимтерими мавсумида юзага келган паст нархларда сотишга мажбур. Қайта ишлаш корхоналари эса, бундан фарқли ўлароқ, бу борада ҳам муайян имкониятга эга: қайта ишлаган маҳсулоти тез бузилмайди, гоҳ тез, гоҳ суст бўлса-да белгиланган нархларда сотилади. Йирик вертикал интеграциялашган корхонанинг устунлиги ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришдан эмас, балки трансакциз харажатларини пасайтириш ҳамда ресурсларни (шу жумладан, кредит ресурсларини) харид қилиш ва маҳсулотнинг янада қулай шароитларда сотиш имкониятига эга бўлишдан иборат. Вертикал интеграциянинг иккинчи усулидан – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан ер участкаларини унинг эгасидан ёки асосий ижарачи ҳисобланган қайта ишловчи корхонлардан, шу жумладан, давлатдан ижара (субижара) усулида олишда ўзгача ҳолат кузатилади. Бунда улар ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалиги ҳом ашёсини сотиш билан боғлиқ хатарларни пасайтириш ва маҳсулотни қимматроқ сотиш мақсадида мустақил равишда фаолиятнинг шундай йўналишдаги ишлаб чиқарувчилари билан бирлашиб, қайта ишловчи корхоналарни ташкил қиладилар. Учунчи усул – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва қайта ишловчи корхоналар ўртасида маҳсулот етказиб бериш ҳақидаги тижорат шартномалари, бўнак бериш, хизматлар кўрсатиш ва ҳоказоларни ўз ичига олувчи янада мураккаб шартномалар асосидаги муносабатларга асосланган усул. Қишлоқ хўжалигида ва қайта ишланган маҳсулотни тайёрлаш соҳасида бозор механизмлари тўлиқ ишлай бошлаши биланок, шартнома муносабатлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва қайта ишловчи корхоналар ўзаро ҳамкорлигининг энг арзон шаклига айланади. Бунга сабаб шуки, томонлардан ҳеч бири ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқ босқичида ўзи учун зарур деб ҳисобламаган харажатларни қилмайди. Озиқ-овқатбоп қишлоқ хўжалиги ҳом ашёси етиштирувчилар ҳам, қатъий тарзда вертикал интеграциялашган тузилмалар доирасида ўзаро боғлиқ бўлмаган қайта ишловчи корхоналар зарур харажатларни қилишдан олдин бу борадаги муқобил вариантларни таққослаш ва ўзи учун энг мақбулини танлаш имкониятига эга бўладилар. Ушбу усулда муносабатларга оид шартномаларда кўпроқ марказлашмаган тизимнинг устунлиги кўзга ташланади. Бу эса, назаримизда, етиштирувчи учун ҳам, қайта ишловчи учун ҳам қулай ва фойдали. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси мева ва сабзавотларни чет эллик улгуржи харидорларга ёки янги мева ва сабзавотларни четга (экспортга) чиқарувчи воситачиларга эмас, балки Ўзбекистон ҳудудидаги қайта ишловчи корхоналарга сотишни афзал деб билиши лозим. Бунинг учун эса, қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Улар, фикримизча, қуйидагилардан иборат бўлиши керак: биринчидан, қайта ишловчи корхоналарга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига тўловларни фермерлар учун энг маъқул муддат ва шаклларда амалга ошириш имконини бериш; иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, жумладан, фермер хўжаликларини рағбатлантириш мақсадида улар учун жиҳозлар харид қилиш, бу субъектларга транспорт бериш, йиғиштириб олинган ҳосилни сақлаш учун шарт-шароитлар яратиш йўли билан

қайта ишловчи корхоналарнинг инвестицияларни мазкур тизимларга жалб қилиш бўйича ҳукукий механизмни ишлаб чиқиш; учинчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда қайта ишловчи корхоналарнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарлиги расман кучайтирилиши лозим.

1.3. Мева-сабзавот маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлашни ташкил этиш ва маҳсулотларни сақлаш усуллари

Мева ва сабзавотлар йилнинг маълум бил даврида етиштирилади ва инсоннинг озиқланиши учун зарур бўлган бир қатор моддалар – витаминлар, минерал тузлар, углеводлар, органик кислоталар ва бошқаларнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Мева ва сабзавотларни сақлашдаги асосий вазифа уларнинг физикавий ва химиявий таркибини, яъни ташқи куриниши, ранги, мазаси ҳамда озиқ-овқатлик қиймати ва бошқа хусусиятларини сақлаб қолишдан иборат. Шу сабабли мева сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлашни тўғри ва илмий асосда ташкил қилиш умуман олганда аҳолини йил мобайнида мева ва сабзавотларга бўлган талабини қондиришдан иборат.

Мева ва сабзавотларни сақлашда бўладиган биологик ва физиологик жараёнларни чуқур ўрганиш ва бу борада аниқ фикрга эга бўлиш маҳсулотларни сифатли қилиб сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мева ва сабзавотларнинг сифатли сақланиши учун сақлаш мобайнида уларда қандай жараёнлар боришини ва бу жараёнларнинг боришига ташқи муҳитнинг қайси омиллари таъсир қилишини билиш зарур.

Мева ва сабзавотларни сақлашда улар вазнининг табиий равишда тушишини атиги бир фоизга камайтириш маҳсулотни унинг тонналаб кўпайтиришга олиб келади. Шунинг учун мутахассислар мева ва сабзавотларни сақлашга эътибори кучайтиришлари ва бу билан боғлиқ бўлган барча масалаларни чуқур ўрганишлари лозим.

Ўзбекистон 2016 йилнинг 1-чорагида мева ва сабзавот экспорти ҳажмини 20 фоизга оширди, шунингдек, 2016 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон мева ва сабзавот экспорти ҳажмини 95,1 минг тоннага етказди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоизлик ўсишни кўрсатади.

"Мева-сабзавотларни сақлаш бўйича моддий-техник базани янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида 10,5 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун 16 янги совутиш камераси ташкил этилди. Натижада шу йилнинг биринчи чорагида 53,1 минг тонна сабзавот (2015 йилнинг шу даврига нисбатан 110,6 фоиз) етиштирилди. Йил бошидан буён 95,1 минг тонна мева-сабзавот экспорт қилинди", дейилади ҳисоботда.

Ўзбекистон президенти Ислом Каримовнинг 25-26 апрель кунларида Россияга ташрифи давомида Владимир Путин билан музокараларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Россияга етказиб бериш ҳажмини кенгайтириш масаласи кўриб чиққанди. Россия томони маълумотига кўра, 2015 йилда Ўзбекистондан Россияга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми 10 фоизга ўсган. Учрашув давомида Ислом Каримов Ўзбекистон Россияга мева ва сабзавот етказиб беришда Туркиянинг ўрнини боса олишини таъкидлаган.

Шунинг учун ҳозирда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон стандартларига жавоб даражада етиштиришимиз ва экспорт қилиб боғбонларни даромадини оширишимиз даркор.

Мева-сабзавотчиликни барқарор ривожланишида маҳсулот етиштиришнинг илғор технологияларини қўллаш, маҳсулотни қайта ишлаш ва сақлашнинг замонавий усулларини жорий қилиш бугунги кунда озиқ-овқат танқислигини олдини олиш имконини яратади. Маълумки, етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини истеъмолчига тайёр маҳсулот кўринишида етиб боришигача бир қатор технологик жараёнлардан ўтади.

Мева-сабзавотларни фақатгина нобуд бўлишини олдини олиш бўйича эмас, балки, экиладиган майдонларни кенгайиши ва олинадиган ялпи ҳосилнинг ортиб бориши ҳам бу соҳа мутахассислари олдига катта вазифа-ларни юклайди. Бунинг учун биринчи навбатда экиладиган навларнинг селекциясига ва агротехник ишлов бериш жараёнларига катта эътибор берилаши лозим. Мева-сабзавотлар пишиб етилиши билан уларни ўз вақтида йиғиштириб олиш ва керакли кейинги босқичларга ўз вақтида етказиш яхши натижа беради.

Етиштирилаётган мева-сабзавотларни истеъмолчиларга етказишнинг асосий усуллари қуйидагилардан иборат:

- янги узулган ҳолда бозор ва супермаркетларга етказиш;
- сақлаш;
- вақтинчалик сақлаш омборларида;
- маҳсус совутиш камералари ёрдамида;
- фаол музлатилган мева-сабзавотларни сақлаш.
- қайта ишлаш;
- маҳсулотларни қуритиш;
- турли хил консерва маҳсулотлари, шарбатлар, концентратлар, мураббolar, газакбоб ва сирқаланган маҳсулотларни тайёрлаш.

Мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш тадбирлари кетма-кетлиги қуйидагилардан иборат: Хом ашё базаси: Хом ашё базаси - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ёки қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш учун биринчи даражадаги омиллардан бири ҳисобланади. Чунки бирор бир сақлаш омборини ёки қайта ишлаш корхонасини бизнес-режасини тузишда ва корхонанинг ишларини лойиҳалаштириш жойидаги хом ашё базасини ўрганиб чиқиш шарт. Хом ашё базасини ўрганишда қуйидагилар эътиборга олинади: ҳудудлардаги сақлашга ёки қайта ишлашга режалаштирилаётган мева ёки сабзавот турининг ҳажми ва сифат кўрсаткичлари ўрганиб чиқилади. Масалан, ҳудудлар сабзавотчилиikka ихтисослашган бўлса, у ҳолда сабзавотчилик билан боғлиқ сақлаш ёки қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш керак. Бозор талаби. Тадбиркор томонидан мева ёки сабзавотни сақлаш турига ёки уларни қайта ишлаб олинадиган консерва маҳсулотларига бўлган бозор талаби ўрганиб чиқилади ва маҳсулотларни қанчалик бозорбоблиги ва истеъмолчининг эҳтиёжи таҳлил қилиниши талаб этилади. Инфратузилма. Ҳудуднинг инфратузилмасини ўрганиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- иқлим шароити корхонани жойлаштириш ўрни, ер тузилиши, шамолнинг йўналиши, об-ҳаво ҳарорати ва нисбий намлиги;
- транспорт тизими, корхонанинг транспорт, темир йўлга талаби;
- электр таъминоти, уни қондирилиши, электр тармоқларининг узоқ-яқинлиги;

- сув таъминоти, сувнинг миқдори, сифати (қаттиқ, юмшоқлиги), ишлатилган сувларни тозалаш иншоотлари мавжудлиги. Ишчи кучи билан таъминланганлик даражаси. Бунда қурилиш режалаштирилаётган жойнинг ишчи кучига бўлган талаби ва таъминоти ҳамда корхонани малакали мутахассислар билан таъминланиши ўрганилади. Технологик жиҳозларни танлаш ва харид қилиш. Технологик жиҳозларни танлаш асосан сақланадиган мева ва сабзавотлар ёки ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотларга қараб танланади. Жиҳозларни танлашда қуйидаги талаблар қўйилади:
- механизацияланганлик даражаси (автоматлаштирилганлиги);
- энергия тежамкорлиги;
- универсаллиги, бирнеча хил маҳсулот ишлаб чиқаришга – ихтисослашганлиги;
- фойдаланишга қулайлиги ва ҳавфсизлиги;
- сақланаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларга таъсири ва чиқинди чиқариш миқдори. Технологик жиҳозларни танлашда яна бир ўзига хос хусусиятлардан бири, уларни тўлиқ тизим (линия) кўринишида ёки алоҳида харид қилинишидир. Бундай ҳолларда мутахассисларнинг фикрича, жиҳозлар технологик тизим, яъни бир бутун комплект кўринишда харид қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Сақлаш ёки қайта ишлаш корхоналарининг харажатлар таркиби. Мева ва сабзавотларни сақлаш ёки қайта ишлашни ташкил этишда маблағлар сарфи билан боғлиқ бўлган бир қатор тадбирлар амалга оширилади ва бу тадбирлар қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидан тубдан фарқ қилади. Масалан, тадбиркор бирор бир ер майдонига ишлов бериш учун маълум бир русумли трактор харид қилиб олса, уни бутехникани сотиб олишдан кейинги харажатлари сезиларсиз миқдорда бўлади, яъни тракторни сотиб олди, сўнгра ундан фойдаланишдаги харажатлар ёнилғи-мойлаш материаллари ва турли хил таъмирлаш ишларига сарфланади ҳолос. Аммо, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ёки қайта ишлаш билан боғлиқ харажатлар бундан фарқ қилади. Совутиш хоналарини ва қайта ишлаш корхоналарини лойиҳалаштиришда биринчи навбатда бу соҳани ташкил этишдаги сарфланадиган маблағларни тўғри ташкил этилиши жуда муҳим ҳисобланади. Бундаги сарф харажатларни 2 та гуруҳга ажратиш мумкин: (Мева ва сабзавотларни сақлаш ёки қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг 30-35% доимий 65-70% эса ўзгарувча)

Доимий харажатлар – бунга совутиш хоналари жойлашган ер майдони, совутиш камераси қурилган бино, совутиш камерасини иш фаолиятини таъминлаб турувчи барча жиҳозлар ва бу билан боғлиқ бўлган харажатларга одатда турли хил шаклдаги банк кредитлари ва бошқа йиллик тўловлар киради;

Ўзгарувчан харажатлар – бу турдаги харажатларга на- зорат қилиб бўлмайдиган, яъни бозор томонидан белгилана- диган харажатлар киради. Булар биринчи навбатда хом ашё, ишчи кучига тўланадиган харажатлар, электр энергияси ва ёнилғи-мойлаш материаллари, турли хилдаги идиш ва ёрдамчи материаллар, транспорт харажатлар киради.

Маълумки, мева ва сабзавотларни сақлашда республикамиз аҳолиси катта тажрибага ва узоқ тарихга эга. Бугунги кунда мева ва сабзавотларни сақлашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- табиий усулда сақлаш: бунда маҳсулотлар турли хил ертўла ва ўраларда сақланади, бундай усулда сақлашдаги жараёни назорат қилиш имкони бўлмайди, яъни бу ҳолда маҳсулотлар атроф-муҳит ҳарорати ва намлигига боғлиқ бўлади;

- сунъий усулда сақлаш: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сунъий усулда сақлашда маҳсулотлар махсус лойиҳалаштирилган биноларда сақланади. Бугунги кунда дунё бозоридаги сақланиб, истеъмолга чиқариладиган маҳсулотларнинг қарийиб 80%дан ортиғи сунъий усулда сақланган маҳсулотлар ҳиссасига тўғри келади. Бунда бинолардаги совутиш камераларида махсус жиҳозлар ёрдамида мева ва сабзавотларни янги узилган кўринишдаги ҳолатини таъминлаб берувчи муҳит яратилади ва ушлаб турилади.

Мева ва сабзавот маҳсулотларни сақлаш технологияси

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашнинг асосий мақсади ҳам ашёнинг пишиб етилгунга қадар тўплаган барча инсон организми учун фойдали бўлган моддаларини сақлаб қолиш ва истеъмолчига етказишдир. Мева ва сабзавотларни сақлаш жараёнида улар таркибидаги фойдали озукка моддаларни йўқолишининг бир неча асосий сабабларини кўрсатиш мумкин, улар қуйидагилардан иборат:

– ҳам ашё сифатининг пасайиши ва моддаларнинг йўқолиши:

- етиштириш ва агротехник ишлов бериш шароитига боғлиқ омиллар, ҳосилни йиғиштириш усуллари ва шароитининг бузилиши, турли хил касалликлар (микроорганизм, паразитлар) таъсирида улар таркибининг ўзгариши, турли хил жонзотлар томонидан ҳам ашёни кемирилиши;
- мева ва сабзавотларнинг нафас олиш жараёнлари натижасида ва намликнинг йўқотилиши натижасида сифатининг пасайиши.

Бугунги кунда фан ва технологиянинг ривожланиши билан мева ва сабзавотларнинг сифатини максимал даражада сақлаб қолишнинг бир қанча замонавий технологиялари яратилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Бундай услубларнинг асосийлари қуйидагиларни ташкил этади:

– Мева ва сабзавотлардаги йўқотишларни пасайтириш омиллари:

- сақлаш камерасининг ҳароратини пасайтириш;
- совутиш камерасидаги нисбий намликни оптималлаштириш;
- совутиш камерасидаги ҳаво таркибини ўзгартириш.

Мева ва сабзавотларнинг ҳосилини йиғиштириб олиш ва уларни сақлаш пайтидаги жараёнларни қуйидагича тушунтириш мумкин. Меваларни ўсиш даврида улар карбонат ангидрид газини билан нафас олиб, фотосинтез жараёни натижасида керакли моддаларни тўплайди.

Мева ва сабзавотлар йиғиштириб олингандан кейин эса бу жараённинг акси бошланади, яъни улар ҳаво таркибидаги кислородни ютиши натижасида, карбонат ангидрид газини, намликни ажралиши ва маълум миқдорда иссиқлик ажралиши кузатилади. Мева-сабзавотлар таркибидаги кечадиган бундай жараёнлар метаболизм ёки кексарши жараёни деб аталади. Қишлоқ хўжалигидаги сақлаш ва қайта ишлаш мутахассисларининг асосий мақсади юқорида қайд этилган метаболизм жараёнларини олдини олиш билан ҳам ашё таркибидаги фойдали моддаларни сақлаб қолишдир. Бунинг учун мутахассислардан катта билим талаб этилади. Негаки, сақлаш омборларига жойлаштирилаётган ҳар бир мева ёки сабзавот учун уларни кимёвий таркибидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш зарур.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки мева ёки сабзавотларни сақлаш ҳароратлари турли хил бўлишидан ташқари, уларни бир камерада сақлаш ҳам тавсия этилмайди. Бунинг сабаби шундаки, маҳсулотларни сақлаш пайтида газ ажралиб чиқади (газни мутахассислар этилен газини деб аташади), бундан битта мевадан

ажралиб чиққан газга иккинчи мева чидамсиз бўлиши мумкин, натижада маҳсулотнинг сақлаш муддати пасайиб кетади.

1.4. Мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлилигини ошириш, сотиш ва экспортдаги ўрни ва аҳамияти

Бугунги жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёнида ҳар бир мамлакат ташқи иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бу – мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш ҳамда унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашдан иборатдир. Чунки экспорт салоҳиятини юксалтириш нафақат муайян бир мамлакатнинг, балки ҳар бир ташқи иқтисодий фаолият субъектининг ҳам туб манфаатларини кўзда тутаяди.

Маълумки, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг туб замирида мамлакат ободлиги, халқимиз турмуш шароитининг янада яхшиланиши ва инсон манфаатлари мужассамдир. Республикамиз иқтисодиётида эса қишлоқ хўжалиги соҳаси муҳим ўрин тутаяди.

Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавотлар таркиби табиий шакар, органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационада ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа минтакаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда юқори туради¹.

2015 йилда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 42,28 трлн сўмни ташкил этди. Бу 2014 йил билан таққослаганда, 6,8 фоизга кўпдир, дейилади Давлат статистика қўмитаси берган баёнотда.

Қўмита маълумотларига кўра, Ўзбекистон 2015 йилда 25,085 трлн сўмлик деҳқончилик (+6,7 фоиз) 17,195 трлн сўмлик (+6,8 фоиз) чорвачилик маҳсулотлари етиштирган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда деҳқон ва шахсий томорқа хўжаликлари улуши 65,4 фоиз (2014 йилда – 65,1 фоиз), фермер хўжаликлари – 32,6 фоиз (32,9 фоиз), деҳқончилик фаолияти билан шуғулланувчи фирмалар улуши – 2,0 фоиз (2,0 фоиз)ни ташкил этди.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида деҳқончилик ҳиссаси 59,3 фоиз (2014 йили – 59,0 фоиз)ни ташкил этган. Ўтган йили жами 3695,1 минг гектар ерга экин экилган.

Шу ўринда 2015 йилнинг 10 июнь куни Римда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига (ФАО) аъзо давлатларни очарчиликка барҳам бериш бўйича саъй-ҳаракатлари учун мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу маросимда Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришганлиги учун мукофотланган 14 мамлакатдан бири бўлди.

2015 йил мобайнида Ўзбекистонда 7 млн 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 млн 350 минг тоннадан ортиқ пахта хом ашёси етиштирилди. Бундан ташқари, етиштирилган мева-сабзавотлар 18,7 млн тоннадан ортиқни ташкил қилиб, шундан 12 млн 592 минг тоннаси сабзавот ва картошка, 1 млн 850 минг тоннаси полиз маҳсулотлари, 1 млн 556 минг тоннаси узум ҳамда 2 млн 731 минг тоннаси мевалар ҳиссасига тўғри келади³.

Шу ўринда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра ривожланаётган мамлакатларда бир киши учун кундалик 400 грамм яъни йилига ўртача 145 кг мева ва сабзавот маҳсулотларини истеъмол қилиш меъёри сифатида белгиланган. Мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аҳоли жон бошига қарийб 300 кг сабзавот, 75 кг картошка ва 44 кг узумни ташкил этади. Бу кўрсаткич оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир. Ўз-ўзидан маълум бўладики, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш салоҳияти юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Бугунги кунда жаҳон бозорида савдо ўрни учун қаттиқ рақобат кураши олиб борилмоқда. Бунда маҳсулотнинг нархи ва сифати, шунингдек, кўрсатиладиган хизматлар даражаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Дунё бозоридаги кескин рақобатга қарамай, Ўзбекистон дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилмоқда. Хусусан, 2015 йил мобайнида 590 минг тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ўз имкониятларини жаҳонга намойиш қилиш мақсадида бир қатор нуфузли халқаро тадбирларда, семинарларда иштирок этиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон вакиллари 2015 йилнинг май ва октябрь ойлари ўртасида Италиянинг Милан шаҳрида «EXPO Milano 2015» халқаро кўргазмасида иштирок этишди. Унда Ўзбекистонга аталган 500 м²худуддаги павильонда мамлакат тараққиёти тарихидан, унинг салоҳияти ҳамда мамлакат иқтисодий ҳаётидан ҳикоя қилувчи экспонат жойлаштирилди. Миллий услубда тайёрланган стендлар кўргазма меҳмонларининг диққатини тортди. Ўзбекистон павильонига 700 минг меҳмон ташриф буюрди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳамда Жанубий Корея Республикалари ўртасида 2015 йилнинг 13 ноябрь куни пойтахтимиздаги «City Palace» меҳмонхонасида «Қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти лойиҳалари бўйича ҳамкорлик режаси» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Шу билан биргаликда, жорий йилнинг 15–24 январь кунлари Берлинда дунёдаги энг йирик «Яшил ҳафта-2016» қишлоқ хўжалиги ярмаркаси ҳамда жаҳон давлатлари қишлоқ хўжалиги вазирларининг саммити бўлиб ўтди. Бу йили кўргазма ишида 68 давлатдан, шу жумладан Ўзбекистондан, 1 730 компания ва фермер хўжаликлари иштирок этди. Кўргазма натижаларига кўра, Европа давлатларига 91,2 млн доллардан кўпроқ қийматдаги мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартнома ва келишувлар имзоланди.

Сўнгги йилларда жаҳон бозорида пахта толасининг нархи ҳамда унга бўлган талабнинг кескин пасайиб кетиши натижасида Ўзбекистонда пахта экиш майдонлари йилдан-йилга қисқартирилмоқда. Бу ўринда 2020 йилга қадар пахта хом ашёсини етиштириш ҳамда уни давлат томонидан харид қилиш ҳажмини 3 млн 350 минг тоннадан 3 млн тоннагача босқичма-босқич қисқартириб, 2020 йилда бошқли дон етиштириш ҳажмини 16,4 фоизга (8,5 млн тонна), картошка етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоизга, гўшт етиштиришни 26,2 фоизга, сутни 47,3 фоизга, тухумни 74,5 фоизга кўпайтириш, балиқ етиштиришни 2,5 мартага ошириш кўзда тутилмоқда.

Юқоридаги имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлилигини ошириш мақсадида

қуйидаги йўналишлардаги ишларни янада кучайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- мевачилик, узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари мутахассисларининг билими, савияси ва малакасини ошириш;
- жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий технологияларга асосланган янги қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш, мавжудларини техник янгилаш ва модернизациялаш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга инвестициялар жалб қилишни рағбатлантириш;
- хўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган хўжалик субъектларининг ишида юзага келадиган ташкилий муаммоларни бартараф этиш ҳамда имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш мажмуалари, холдинглар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш;
- ички ва ташқи бозорларни ўрганувчи маркетинг хизматларини ривожлантириш;
- мева-сабзавотларни сақлашга ихтисослашган совутиш камералари ва махсус омборхоналар тармоғини ҳамда сиғимини кенгайтириш.

II Боб. Наманган вилояти Янгиқўрғон туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ҳажмини оширишнинг иқтисодий таҳлили

2.1. Янгиқўрғон туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг кўрсаткичлари таҳлили

Янгиқўрғон тумани 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган. Туман Наманган вилоятининг шимолий қисмига жойлашган бўлиб, шимолий - ғарб, шимол, шимолий - шарқ, томонлардан Қирғизистон Республикаси билан, жанубий - шарқ ва жанубий - ғарбдан Наманган тумани билан, ғарб томондан Косонсой тумани чегарадошдир.

Янгиқўрғон туманининг Наманган вилоят маркази марказидан 22 км узоқликда жойлашган. Майдони 540 квадрат километр. Маркази Янгиқўрғон шаҳарчаси. Аҳолиси 205563 кишидан ташкил топган.

Туман ҳудудида 14 та шаҳарча, 9 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда 71 та маҳалла фуқаролар йиғинлари, 49 та аҳоли яшаш пунктлари мавжуд. Шаҳарчада 19406 киши ва қишлоқ жойларида 186150 киши яшаб келмоқда.

Аҳолининг 32,5 фоизини болалар ва ўсмирлар ташкил қилади. Аҳолининг 50,1 фоизини эркаклар ва 49,9 фоизини аёллар ташкил этади. Меҳнат ресурслари умумий аҳолининг 53,2 фоизини ёки 108534 кишини ташкил қилади. Аҳолининг ўртача ўсиш суръати 2,1 фоизни ташкил қилади. Туманда 14 миллат вакиллари истиқомат қилади.

Аҳолининг 97,2 фоизини ўзбеклар, 2,5 фоизини қирғизлар ва қолган 0,3 фоиз аҳолини 14 миллат вакиллари ташкил этади.

Туманда 1 та йирик, 53 кичик ва микро саноат корхоналари, 1 та йирик, 25 кичик ва микро қурилиш ташкилотлари, 5 та транспорт корхонаси, 1 та қўшма корхона ҳамда 250 та йирик ташкилотлар фаолият кўрсатади. Мавжуд аҳолининг 78105 нафарини вояга етмаганлар, 14806 нафарини 60 ёш ва ундан катталар ташкил этади. Олий маълумотли кадрлар 7500 нафар, ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрлар 17079 нафар.

Туманда 39572 та хонадон бўлиб, ўртача бир кишига 10,3 кв.м. яшаш жойи тўғри келади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун йиллик сув тортиш режаси 14,6 км бўлиб бу кўрсаткич ҳам 21,9 км га, ички имконият ҳисобидан бажаришга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2015 йил 16 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида белгилаб берилган «2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари» бўйича вазифаларни амалга оширилиши, шунингдек, Ҳукумат томонидан қабул қилинган тармоқ дастурлари ва қарорларида белгиланган параметрларни туманда ижросини таъминланиши ҳисобига 2015 йил якуни билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Хусусан, туманда 2015 йил якуни билан **100,9 млрд.сўмлик** (111,3%) саноат маҳсулотлари ва **94,0 млрд.сўмлик** (111,9%) халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Хусусан ҳисобот даврида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (111,3%) га ортган, ушбу кўрсаткич асосан “Янгиқўрғон

Шароби” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган 15 млрд 202 млн.сўм (ўсиш 104%) маҳсулотлар ҳисобига тўғри келмоқда.

Туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш вилоят саноатидаги улуши 2014 йилда 2,5 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2015 йил якуни билан 3,8 фоизни ташкил этди.

Бундан ташқари йил якуни билан **586,9 млрд.сўмлик** (107,7%) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, **61,5 млрд.сўмлик** (113,2%) пудрат ишлари, **252,3 млрд.сўмлик** (102,7%) чакана савдо айланмаси, **93,1 млрд.сўмлик** (114,4%) пуллик хизмат, **19,4 млн.долларлик** (138,0%) экспорт амаллари ва **4,8 млн.долларлик** (429,3%) импорт амаллари бажарилди.

“Наманган вилоятини 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури”га асосан 2015 йил давомида 18,7 млрд.сўм миқдорида маблағларни ўзлаштириш ҳисобига 139 та лойиҳаларни (саноат соҳасида 11 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 54 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 74 та) ишга тушириб, 1168 нафар ишчи ўрин яратилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда 1168 та (100 %) лойиҳалар амалга оширилди (7-жадвал).

Ушбу мақсадлар учун 18,7 млрд.сўм маблағлар (шундан, 11,4 млрд.сўм ташаббускорларнинг ўз маблағлари, 7,2 млрд.сўм банк кредитлари) сарфланди

Бунинг натижасида 1168 та янги иш ўринлари барпо этилди. Жумладан, саноат соҳасида 2015 йилда 11 та лойиҳаларни амалга ошириш ва бу мақсадлар учун жами 11,4 млрд.сўм (шундан 6,4 млрд.сўми банк кредити) инвестиция маблағларини ўзлаштириш ҳамда 204 нафар янги иш ўринлари барпо этиш белгиланган бўлиб, йил якуни билан 11 та лойиҳалар амалга оширилди. Ушбу лойиҳаларга 11,5 млрд.сўм маблағлар (шундан, 5,2 млрд.сўм ташаббускор маблағлари, 6,4 млрд.сўми банк кредити) йўналтирилиб, 204 та иш ўринлари яратилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 2015 йилнинг январ-декабр ойлари давомида 2,7 млрд.сўмлик инвестиция маблағлари ўзлаштириб, 54 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш ҳисобига 239 та янги иш ўринлари яратиш белгиланган бўлиб, жорий йилнинг 1 январ ҳолатига 2,7 млрд.сўм маблағ сарфлаш ҳисобига 54 та турдаги савдо ва маиший хизматлар кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, 239 та иш ўринлари яратилди.

Туманда кичик бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётдаги кичик бизнес субъектларининг ўрни ва улушини йилдан-йилга ортиб боришга эришилмоқда.

Кичик бизнеснинг иқтисодиёт тармоқларидаги улушини қишлоқ хўжалигида 99,6 фоиз, саноатда 61,6 фоиз, қурилиш ишларида 92,7 фоиз, савдода 46,3 фоиз, пуллик хизматда 60,1 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида кичик бизнес субъектлари томонидан 2077 та янги иш ўринлари яратилди.

Туманда иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида кичик бизнес субъектларининг салмоғи муттасил ошиб бормоқда. 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига жами 675 та кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич 2014 йилнинг мос даврига нисбатан 103,2 фоизга ортди.

2015 йил якуни билан 64 та кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатмаяпти, бу эса жами рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг 9,7 фоизини ташкил этади.

Шунингдек, 2015 йилнинг ўзида 65 та кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятини бошлагани ҳолда 38 та тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатди.

Хўжалик юритувчи кичик бизнес субъектларини фаолият кўрсатмаслик сабаблари ўрганилганда, 52 тасининг айланма маблағи йўқлиги, 3 тасининг таъсисчилари Россия давлатига ишлаш учун кетганлиги, 1 тасининг таъсисчисига жиноий иш очилганлиги, 1 тасининг таъсисчиси вафот этганлиги, 4 таси ПҚ-630 сонли қарори бўйича ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги, 2 тасида тугатиш ҳақидаги юқори ташкилоти буйруғи қабул қилинганлиги аниқланди (10-жадвал).

2015 йилда тумандаги тижорат банклари томонидан жами 221 нафар тадбиркорлик субъектларига 18 млрд 865 млн.сўм кредит маблағлари ажратилди. (соҳалари бўйича, саноат йўналишидаги лойиҳалар учун 3,0 млрд.сўм (жамига нисбатан 16,0%), қурилиш йўналишида 1,9 млрд.сўм (10,4%), транспорт ва алоқа йўналишида 386 млн.сўм (2,0%), қишлоқ хўжалиги соҳасида 4,9 млрд.сўм (26,1%), савдо йўналишида 4,3 млрд.сўм (22,6%), хизмат кўрсатиш йўналишида 2,8 млрд.сўм (15,0%) ва бошқа йўналишларда 1,5 млрд.сўм (7,9%) кредитлар ажратилган)

Белгиланган прогноз кўрсаткичлари 104,6 фоизга бажарилди. Бунинг ҳисобига 1524 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли фармонида асосан 2015 йилда тумандаги назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъект-юримдик шахсларда ўтказилган текширишлар сони 2014 йилга нисбатан 11 тага кам бўлди. Ўтказилган текширишлар сони 23 тани ташкил этиб, 6 та режали ва 17 та режадан ташқарига тўғри келади.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарор ва фармонлар ҳисобига ўтган 2015 йилда давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ тушумларидан 675,3 млн.сўмлик имтиёзлар берилди.

Янгиқўрғон туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектларига “Бир дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2412 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ягона дарча” марказида бир қатор ишлар амалга оширилди.

(2015 йилнинг 9-декабр куни туманда ташкил этилаётган “Бир дарча” марказида вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси, Адлия бошқармаси, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, Наманган туман ҳокимлиги, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш маркази вакиллари, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларини ҳамда “Бир дарча” марказига янги қабул қилинаётган раҳбар ходимлари иштирокида, “Бир дарча” марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш” мавзусидаги маълумот алмашувини йўлга қўйиш бўйича ўқув амалий семинар бўлиб ўтди.)

“Ягона дарча” марказида намуна тарзида кичик бизнес субъектларидан тегишли хужжатлар қабул қилиш, давлат органларига юбориш, ижросини қабул қилиш ва ижросини тадбиркорлик субъектларига маълум қилиш юзасидан амалий машғулот ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 24 апрелдаги 4720-сонли Фармони асосан туманда жойлашган жами 1 та (Туман МТП МЧЖ) акциядорлик жамиятини тугатиш ёки қайта ташкил этиш белгиланган.

Бугунги кунда Фармон талабига кўра тугатилиши белгиланган, 1 та акциядорлик жамиятидан Фармон талаби ижроси бажарилди.

Фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш бўйича акциядорлик жамияти бошқаруви органлари ҳамда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқув семинарлари ташкил этилиб, тегишли тушунтиришлар бериб берилмоқда.

Бундан ташқари, акциядорлик жамиятларининг янги ташкилий тузилмалари тасдиқланиб, жамиятнинг янги таъсис хужжатлари тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 ноябрдаги “2016-2019 йилларда Наманган вилоятини саноат салоҳиятини ошириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-2439-сонли Қарорининг 4-банди ва мазкур қарорга асосан ташкил этилган мувофиқлаштирувчи комиссия томонидан 2015 йил 27 ноябрда ўтказилган йиғилишда белгиланган топшириқлар асосида вилоят ҳокимининг 2015 йил 19 декабрдаги 381-сонли қарорига асосан туман ҳокимининг 2015 йил 3 декабрдаги 1056-сонли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, “Йўл харитаси” дастурида белгиланган чора-тадбирларни бажарилиши натижасида куйидаги ишлар амалга оширилган.

- Янгикўрғон туманидаги "Marvel juice со" ХИИ АЖнинг фойдаланилмаётган, бўш турган 1,5 га ишлаб чиқариш қувватларини “Натурал Джус” МЧЖ га ижарага берилиши натижасида қўшимча 501,0 млн.сўм даромад олинди.

Туманда марказлашган маблағлар ҳисобидан 3 та (1 та янги қурилиш, 2 та реконструкция ва 1 та капитал таъмирлаш) умумтаълим мактаблари, 5 та соғлиқни сақлаш объектлари ҳамда янги қурилиш ва реконструкция қилиш ҳисобига фойдаланишга топшириш режалаштирилган бўлиб, йил якуни билан ушбу объектларни тўлиқ фойдаланишга топширилган.

Бундан ташқари, туманда «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» маблағлари ҳисобидан 1 та, жумладан, 41-умумтаълим мактабида 12х24 хажмдаги (606,5 млн.сўм) спорт зали фойдаланишга топширилди.

2015 йил Дастурига асосан 5 та массивларда 60 та уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу уйларда қурилиш ишлари тўлиқ якунланди.

Шунингдек, аҳолини ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида 2015 йил давомида жами 7 та объектларда бюджет маблағлари ҳисобидан 2,5 млрд.сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилди.

5 та массивда намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уй-жойларни 1,8 млрд.сўм маблағлар ҳисобидан 5 та сув олиш қудуқлари ишга туширилди ва 0,8 км ичимлик сув тармоғи қурилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 октябрдаги 6-сонли йиғилиш баёни,

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2014 йил 22 октябрдаги 992-II-сонли, Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги СҚ-454-II-сонли ва Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг 9 декабрдаги 152/27-4-сонли Қарорлари билан тасдиқланган тасдиқланган “2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастури” асосида 2015 йил якуни билан 6480 та иш ўрни яратилиши белгиланиб, ҳақиқатда 6534 та иш ўринлари яратилди, ёки режа 100,8 фоизга бажарилди

Шундан, мақсадли дастурларга мувофиқ ташкил этилган иш ўринлари 1320 тани ташкил этди. Жумладан, саноатда 97 та, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида 566 та, қишлоқ хўжалиги, жумладан, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, балиқчилик, асаларичилик, сабзавотчилик, узумчиликда 332 та, ишламасдан турган корхоналарни фаолиятини тиклашда 325 та.

Бундан ташқари, тижорат банкларининг кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш учун ажратиладиган кредитлар ҳисобида 1524 та, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантиришда 653 та, уй меҳнатини ташкил қилишда 2747 та, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил тиклашда 290 та янги иш ўринлари яратилган.

2016 йилнинг 1 январь ҳолатига 3053 нафар битирувчилардан 3043 (99,7%) нафарини бандлиги таъминланган. 3028 нафари иш билан таъминланган бўлса, 15 нафари олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттирмоқда. Умумий бандлик кўрсаткичи жами битирувчиларга нисбатан 99,7 фоизни ташкил этади. Жумладан, ўз мутахассисликлари бўйича 1542 нафар, бошқа фаолият соҳасида банд бўлганларни 1206 нафар, 202 нафар битирувчилар эса турли сабабларга кўра бандлиги таъминланмайдиганларни ташкил қилмоқда (18-жадвал).

2015 йил давомида битирувчилардан 17 нафари 89,7 млн. сўмдан зиёд кредит маблағларини олган ҳолда ўз фаолиятларини йўлга қўйган.

Туманда 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига ички идоравий фаолиятига дахлдор бўлмаган қарзларни ҳисобга олмаган ҳолда жами дебитор қарздорлик 837,8 млн.сўмни ташкил этган.

Ҳисобот даврида ички идоравий фаолиятига дахлдор бўлмаган қарзларни ҳисобга олмаган ҳолда жами кредиторлик 1,8 млрд.сўмни ташкил этди.

2015 йил якуни бўйича маҳаллий бюджет даромадлар режаси 25,5 млрд. сўмни ташкил этди, харажатлар ижроси 89,4 млрд.сўмга бажарилиши таъминланди.

Хусусан, 2015 йилда туманга Республика бюджети ҳисобидан ўтказилган мақсадли субвенциялар миқдори тасдиқланган 56,8 млрд.сўмни ташкил этгани ҳолда харажатдаги улуши 63,2 %га тасдиқланган.

2.2. Янгиқўрғон туманида қишлоқ маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш ҳажмини оширишнинг таҳлили

Қишлоқ хўжалиги соҳасида 2015 йилнинг январь-декабр ойлари якуни билан 74 та лойиҳалар амалга ошириш, ушбу мақсадлар учун 4,3 млрд.сўм (шундан 560 млн.сўми банк кредити) маблағлар сарфланиб, 725 та янги иш ўринлари барпо этиш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг 1 январ ҳолатига 4,4 млрд.сўм маблағлар сарфланиши ҳисобига 74 та лойиҳалар амалга оширилиб, 725 нафар янги иш ўринлари яратилди.

(Жумладан, 10 та қорамолчилик, 2 та паррандачилик, 2 та балиқчилик, 15 та асаларичилик хўжаликлари ташкил этилиб, 36 та фермер хўжаликлари томонидан интенсив боғлар ҳамда 8 та фермер хўжаликлари томонидан янги токзорлар барпо этилди)

2015 йилда туманнинг саноат салоҳиятини янада ривожлантириш юзасидан муҳим меъёрий ҳужжат - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 ноябридаги “2016-2019 йилларда Наманган вилоятини саноати салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 2439-сонли қарори қабул қилинди.

Қарор доирасида 2016-2019 йилларда умумий қиймати 21,7 млн.долларга тенг бўлган 10 та лойиҳалар амалга ошириш ва натижада 504 дан зиёд янги иш ўринларини ташкил этиш режалаштирилган. Жумладан, 2016 йилда 2 та (лойиҳа қиймати 201,9 минг.долл ва 38 та иш ўрни) лойиҳалар амалга оширилади.

Худудий экспорт дастурига асосан экспортёр корхоналар томонидан 2015 йилда 7,7 млн.долларлик товар ва хизматлар экспорт қилиниб, белгиланган прогнозга нисбатан эса 51,9 фоизга бажарилиши таъминланди (14-жадвал).

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан қўшилганда экспорт ҳажми 15,1 млн.долларни ёки топшириққа нисбатан 100,7 фоизни

Бугунги кунда туманда жами 33821 гектар, шундан суғориладиган ер майдони 26015 гектар, экин ер майдонлари 9618 гектари, 8266 гектар боғзор, 3283 гектари токзор, 4848 гектари бошқа ерларни ташкил этади.

Ушбу ер майдонларига жорий йилда асосий майдонларга жами 2668 гектар, шундан, 770 гектар сабзавот, 25 гектар полиз, 522 гектар картошка, 580 гектар молйли экинлар, 20 гектар дуккаклик, 290 гектар макадон ва 60 гектар озуқа экинларини экилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, тумандаги 8266 гектар боғ ва 3283 гектар токзорлар қатор ораларига қишлоқ хўжалиги экинларини экиш режалаштирилди.

Режалаштирилган жами 5120 гектар, шундан боғ қатор ораларига 3887 гектар ҳамда ток қатор ораларига 1232 гектар майдонда қишлоқ хўжалиги экинларини экилиши белгилаб олинган.

Шундан, 2500 гектар сабзавот, 2066 гектар картошка ва 553 гектар дукакли экинлар экилади.

Ушбу экинларни экиш учун 16 тонна сабзавот уруғи, 6200 тонна картошка уруғи ҳамда 27 тонна дуккакли уруғликлар талаб этилади.

Дастурга мувофиқ ушбу майдонлардан жорий йилда 380 934 тонна, шундан, 64377 тонна мева, 46 198 тонна узум, 142 242 тонна сабзавот, 3846 тонна полиз ҳамда 122041 тонна картошка маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши белгилаб олинган.

Етиштирилиши режалаштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 74 949 тоннасини қайта ишлаш корхоналарига, 20906 тоннасини Тошкент шаҳри ва бошқа ярмаркаларга, 233043 тоннасини ички истеъмол учун ҳамда 52 037 тоннасини экспортга йўналтирилиши режалаштирилган.

Экспортга йўналтирилиши режалаштирилган 52037 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қиймати 27,2 млн.доллар ташкил этади.

Жумладан,

- 23748 тонна мева ёки 17,4 млн.долларлик;

- 19339 тонна узум ёки 6,8 млн.долларлик;

- 8950 тонна сабзавот ёки 2,9 млн.долларлик маҳсулотлар экспорт қилинади.

Экспортга йўналтириши режалаштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини туманда аввалдан экспорт фаолияти билан шуғулланиб келаётган “Юқориқўрғон агро азия” фермер хўжалиги 12,6 млн.долларлик, “Ўзтадбиркорэкспорт” компанияси орқали 8,1 млн.долларлик ва “Мурод Султон Бува” фермер хўжалиги (пиёз уруғи) 25 минг.долларлик экспорт амалларини бажаради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги “2016 йилда қишлоқ хўжалигининг 9 соҳасини янада ривожлантиришда кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида”ги йиғилиш баёнига асосан тумандаги фермер хўжаликлари томонидан етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишга ихтисослаштирилган 4 та агрофирма ташкил этилди.

Жумладан,

боғдорчилик ва сабзавотчилик йўналишида 2 та агрофирма ташкил этилиб (“Янгиқўрғон агро инвест” МЧЖ, “Қуёшли диёр саховати” МЧЖ), 4,5 млн.долларлик ҳамда узумчилик йўналишида 2 та агрофирма ташкил этилиб (“Қуёшли юрт узуми” МЧЖ, “Гулшан саховатли маскан” МЧЖ) 2,0 млн.долларлик экспорт амаллари бажарилиши режалаштирилган.

Туманга жорий йилнинг 1-чораги учун 2 млн 760 минг.доллар прогноз режаси белгиланган бўлиб ҳақиқатда 2 млн 502,9 минг.долларлик режага нисбатан 90,7 фоиз экспорт амаллари бажарилди.

Барчаммизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 октябрдаги “Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, фермерларнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш мақсадида уларнинг ер учатка хажмларини мақбуллаштириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **01-03-13-12-сонли йиғилиш баёнига** асосан тумандаги фермер хўжаликларини ер учаскаларини мақбуллаштирилди.

Мақбуллаштириш натижасига кўра туманда жами фермер хўжаликлари сони **986 тани** ташкил этиб, уларни ўртача ер майдони **18,7 гектарни** ташкил этмоқда.

Жумладан, ғаллачилик йўналишида **185 та** (ўртача ер майдони 42,6 гектар), боғдорчилик ва узумчилик йўналишида **783 та** (ўртача ер майдони 5,1 гектар), чорвачилик йўналишида **4 та** (ўртача ер майдони 5,5 гектар) ҳамда **14 та** бошқа йўналишидаги (ўртача ер майдони 8,0 гектар) фермер хўжаликларини ташкил этади.

Туманда қиш-баҳор ойларида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини сақлаш ҳамда аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини янада тўлароқ қондириш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 5 сентябрдаги “2015-2016 йил қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш (закладка) бўйича амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги 06-03/1-55-сонли йиғилиш баёнини ҳамда Наманган вилояти ҳокимлигининг 2015 йил 9 сентябрдаги 01/04-09.09-сонли йиғилиш баёни асосан туманда 2015-2016 йил қиш-баҳор мавсуми учун жами **4267** тонна, шундан **1281** тонна картошка, **767** тонна пиёз, **594** тонна

сабзи, **265** тонна карам, **573** тонна мева, **328** тонна полиз, **328** тонна гурунч ҳамда **131** тонна дуккакли дон маҳсулотларини захирага жамғариш белгиланган.

Ушбу маҳсулотларнинг **310** тоннаси тумандаги улгуржи ва чакана савдо корхоналарида (Янгиқўрғон савдо МЧЖда 155 тонна, Заркент савдо МЧЖда 155 тонна, **1200** тоннаси “Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмаси тизимидаги ҳудудий савдо базасида (“Водий саховати агро инвест” МЧЖ да 1200 тонна), **280** тоннаси улгуржи таъминот тизимидаги корхоналарда (“Савдо харид” МЧЖ да 280 тонна), **164** тоннаси халқ таълими тизимидаги муассасаларда, **20** тоннаси соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасаларда, **170** тоннаси дехқон бозорларида (Янгиқўрғон дехқон бозорида 68 тонна, Нанай дехқон бозорида 68 тонна, Искавот дехқон бозорида 34 тонна), **1607** тоннаси фермер хўжаликларида ҳамда **516** тоннаси тумандаги бошқа корхона ва ташкилотларда жамғарилиши режалаштирилган бўлиб, амалда жами (режа **4267** тонна) **4670** тонна (109,0%) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жамғарилди.

Жумладан, **1394** тонна (109,0%) картошка, **948** тонна (124%) пиёз, **628** тонна (106%) сабзи, **274** тонна (103%) карам, **578** тонна (101%) мева, **341** тонна (104%) полиз, **328** тонна (100%) гурунч ҳамда **180** тонна дуккакли (136%) дон маҳсулотлари жамғарилган.

Ушбу жамғарилган маҳсулотларни ишлатиш учун график ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда **1575** тонна, шундан **642** тонна картошка, **174** тонна пиёз, **335** тонна сабзи, **28** тонна карам, **292** тонна мева, **18** тонна полиз, **78** тонна гурунч ҳамда **8** тонна дуккакли дон маҳсулотлари ички истеъмол ва ярмаркалар учун ишлатилди.

Бугунги кунда қолган **3095** тонна, шундан **752** тонна картошка, **774** тонна пиёз, **293** тонна сабзи, **246** тонна карам, **286** тонна мева, **323** тонна полиз, **251** тонна гурунч ҳамда **172** тонна дуккакли дон маҳсулотлари тасдиқланган график асосида тўлиқ ички истеъмол учун ишлатилиши таъминланади.

**Янгиқўрғон туманида 2015-2016 йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини
сақлаш имкониятига эга бўлган мавжуд омбор ва музлаткичли камералар
хақида маълумот**

№	Хўжалик субъектининг номи	Жойлашган манзили	Сигими (тонна)
Омборхона			
1	Савдо харид МЧЖ	Янгиқўрғон шаҳарчаси, Чортоқ кўчаси	500
2	Янгиқўрғон савдо МЧЖ	Янгиқўрғон ШФЙ	150
3	Исковот ризқ-рўз агрофирмаси МЧЖ	Зарбдор ҚФЙ	1500
4	Кукёр-ўнғор шаршараси агрофимаси	Нанай ҚФЙ	2000
5	Бирлашган Феруз умид орол МЧЖ	Бирлашган ҚФЙ	1000
6	"Водий саховати агроинвест улгиржи савдо" МЧЖ	Янгиқўрғон шаҳарчаси	421
7	Тикланиш Нанай боғбони Агрофирмаси	Нанай ҚФЙ	2000
	Жами:	туман жами	7571
		Вилоят бўйича	24382
Музлаткичли камералар			
1	"Наманганулгуржисавдоинвест" МЧЖ	Ш.Юлдузи ҚФЙ	3 000
2	Агрофирма "Туркистон Бахт Иқболи"	Янгиқўрғон шаҳарчаси	1200
	Жами:	туман жами	4200
		Вилоят бўйича	28040

III Боб. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш тизими ва истеъмолчиларга етказиш соҳасини ривожлантириш

3.1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш тизимини самарадорлигини ошириш йўналишлари

Ўзбекистонда аграр иқтисодиёт тармоқлари ривожланишини барқарорлаштириш ва мамлакат аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда боғдорчилик соҳасини ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Соҳа маҳсулотлари таркибида инсон соғлиғи ва фаолияти учун зарур бўлган озуқа моддалари ва кўп ҳолларда алмаштириб бўлмайдиган табиий кимёвий бирикмалар (сахароза, глюкоза, фруктоза, органик кислоталар, витаминлар, микроэлементлар ва бошқалар) мавжудлиги уларнинг озиқ - овқат сифатидаги аҳамиятини янада оширади.

Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш тизимини тараққий эттириш давомида сотиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилиши зарур. Чунки, ҳар қандай ишлаб чиқариш бозор талабига асосланганлиги боис истеъмолчига энг яқин бўғин сифатида сотиш соҳаси корхоналари, фермерга қандай миқдор, ҳажм, сифат ва кўринишдаги маҳсулотларга бозорда талаб мавжудлигини “буюртма” берувчи бўғин бўлиши лозим.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида қишлоқ хўжалиги тармоғида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларга тўхталиб, “Ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди”³ деб таъкидладилар.

Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва уни йил давомида сақлаш борасида катта амалий тажрибага эга. Шунга қарамай, кейинги йилларда уларни сақлашда қатор муаммолар вужудга келди. Бу ҳам бўлса, аксарият жиҳатдан, совутиш мосламалари ва омборхоналар етишмаслиги билан боғлиқдир. Бу муаммоларнинг ҳал этилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелда қабул қилинган “2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 105-сонли қарори муҳим омил бўлиб келмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, барча вилоятларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун, янги совутиш камераларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва модернизациялаш вазифалари белгиланди.

Ҳозирги кунда 120 минг тонна маҳсулот сақлайдиган совуткичлар тизимини ташкил қилиш якунланмоқда, бу эса, қиш-баҳор мавсумида аҳолининг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва экспорт қилиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил.

Қишлоқ хўжалигининг техника паркни янгилаш, кенгайтириш, унумли ва ресурсларни тежовчи замонавий техникалар билан таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги 2012 йил 21 майда имзоланган ПҚ 1758-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 14 июлда тасдиқланган қарори муҳим омил бўлмоқда.

“Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда”⁴ деб таъкидлайдилар Президентимиз И.А.Каримов.

Таҳлиллар кўрсатишича, республикада етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг кўп қисми бозорга кириб бормасдан нобуд бўлаётган бир вақтда, йирик шаҳарларимиз деҳқон бозорларида ташқаридан олиб келинган олма, нок, данакли мевалар, узум сотилмоқда. Республикамизга импорт қилинаётган мевалар таъм кўрсаткичлари ва инсон организми учун фойдалилиги даражаси бўйича республикамизда етиштирилган мевалар билан рақобат қилиш имконига эга бўлмаса-да, ташқи кўриниши, қадоқланиш шакли, сотилиш усулининг харидорни ўзига жалб қилиши билан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам келажакда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг бозоргирлиги, рақобатбардошлигини ошириш, сифатини сақлаш механизмларини ривожлантириш ва янги техника технологиялар жорий этиш лозим.

Таъкидлаш лозимки, боғдорчилик соҳасида фермер хўжаликлари ихтисослашувини чуқурлаштириш ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитидан кенгроқ фойдаланиш имконини беради. Етиштирилган меваларни янги узилган ҳолда сотиш, сақлаш, ташиш тизимини ривожлантириш, қайта ишлаш жараёни самарали, чиқиндисиз бўлишини таъминлаш асосида нобудгарчиликларнинг олдини олишни рағбатлантириш, боғдорчилик соҳаси ривожланишини иқтисодий, молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда мева, узум, сабзавот маҳсулотларини кўплаб етиштириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Етиштирилаётган боғдорчилик ва сабзавот маҳсулотлари ҳажми ички бозор талабига нисбатан анча ортиқ бўлиб, бу бозорда маҳсулот баҳосининг деҳқон учун зарарли нуқтага яқинлашиб қолишига олиб келади.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил.

Шунинг учун ҳам боғдорчилик учун йил яхши келган даврларда етиштирилган маҳсулотларни янги узилган ҳолда ёки қайта ишланган ҳолатда республикадан ташқарига олиб чиқиб сотишнинг самарали механизмини яратиш ҳозирги кунда катта аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири ҳисобланади.

Мева сабзавот маҳсулотлари асосан янги узилган ҳолда ва сақлаб, қайта ишланмаган ҳолда истеъмол қилиниши билан биргаликда уларни қайта ишлаш орқали консервалар, мурабболар, турли мева шарбатлари, қуйилтирилган шарбатлар тайёрланади, қандолатчилик саноатида кенг фойдаланилади. Шунингдек, республикамизда меваларни қуритиб мева қоқи тайёрлаш борасида ҳам тажрибалар мавжуд. Қайта ишланган ҳолда боғдорчилик маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришда ёки сифатли сақлаш жараёнида маҳсулот сифати пасаймаслиги, кимёвий таркиби бузилмаслиги, узоқ масофага транспортда ташишга чидамлилиги ортиши боисдан уларни экспорт қилиш имконияти янада кенгаяди.

Тез бузиладиган ва мавсумий тарзда ёппасига пишиб етиладиган боғдорчилик маҳсулотларини бозорларга чиқиш олдидан омборхоналарда мавсумий сақлаш ишларининг самарали йўлга қўйилиши, маҳсулотларни сақлаш учун зарур шароитлар яратилиши, сақлаш жараёнида маҳсулотлар сифати ўзгариши устидан назорат ўрнатилиши, сақлаш қоидаларига амал қилиниши, маҳсулотларни саралаш, идишларга жойлаш ва ташиш жараёнларининг тўғри ташкил этилиши маҳсулотнинг бозоргирлиги ва рақобатбардошлиги даражаси ортишида асосий омил ҳисобланади.

Бугунги кунда харидор талаби асосан сифатли ва ташқи кўриниши жозибали мева-сабзавотларга кўпроқ бўлиб, бозордаги ушбу ўзгаришларни ишлаб чиқарувчи, сақлаш ва сотиш тизими ходимлари кўпроқ илғаб олиши ва унга мослашиб бориши даражаси даромадлари ошишининг асосий манбаи бўлиб қолмоқда.

Тез бузиладиган боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш ва ташиш тизими яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳисобига кўрилатган зарар нафақат фермер учун балки мамлакат иқтисодиёти учун келтирилган катта йўқотиш ҳисобланади. Хусусан:

- боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш ва ташиш жараёнидаги турли номутаносибликлар туфайли қишлоқ хўжалиги тармоғига келтирилатган зарар энг аввало боғдорчилик маҳсулотларининг нобудгарчилиги туфайли юзага келади. Тахминий ҳисоб-китобларга асосланадиган бўлсак, республикада етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотлари нобудгарчилиги (пишиб етилгандан сўнг истеъмолчига етмасдан нобуд бўлиш) 30-35 фоизга етади. Бу йўқотиш ҳисобидан бевосита фермер молиявий зарар кўради;

- сақлаш тизими паст даражада ривожланганлиги боис маҳсулот сифати пасайиши юз беради. Натижада фермер яна маҳсулот сифати пасайиши туфайли (бозордаги ўртача баҳо пасаяди) ўртача 20-25 фоиз реал даромадини йўқотади. Мазкур йўқотилган маблағ, ҳисобига фермер ишлаб чиқаришни ривожлантиришга инвестиция қилиш имкониятларини бой беради. Шунингдек, ушбу ҳолат боғдорчилик билан боғлиқ бўлган иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ривожланишига ҳам салбий таъсир этади;

- маҳсулотларни сақлаш ва сотиш тизими ривожланмаганлиги натижасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг нобуд бўлган маҳсулот ҳисобидан бой берилган даромадлари, ижтимоий соҳани ривожлантириш имкониятига ҳам салбий таъсир этади. Ушбу салбий таъсирлар ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлганлар даромади пасайиши, ижтимоий соҳа ривожига ажратмалар камайиши кўринишида намайён бўлади;

- маҳсулотларни сақлаш, ташиш тизимлари яхши ривожланмаганлиги натижасида истеъмолчига таклиф этилаётган маҳсулотлар сифати, кимёвий таркиби бузилиши, санитария ҳолати ёмонлашуви юз беради. Бу эса, ўз навбатида, истеъмолчилар инсонлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Инсонлар соғлиғини тиклашга кетадиган маблағлар, ишда банд бўлганларнинг шу туфайли ишга чиқмаслиги, меҳнат унумдорлиги пасайиши ҳисобига жамиятга яна оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган зарар келтирилади. Шунинг учун маҳсулотларни сақлаш тизимини ривожлантириш учун кетадиган маблағларни тежаш ва бу соҳадаги ислохотларни сусайтириш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайдиган ҳолат ҳисобланади.

Сақлаш соҳасини ривожлантириш, замонавий омборхоналар барпо этиш, уларни жиҳозлашда замонавий техникалар ва технологиялардан кенг фойдаланиш, етиштирилган маҳсулотлар нобудгарчилигининг олдини олиш ва сифатининг бузилишини камайтириш орқали микроиқтисодиёт даражасида фермерга ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарига, макроиқтисодиёт даражасида эса жамиятга катта миқдорда ижтимоий-иқтисодий даромад олиш имконини яратилади.

Меваларни бозорга чиқариш олдидан омборхоналарда мавсумий сақлаш ишларини йўлга қўйилиши, сақлашда зарур шароит яратилиши, маҳсулотлар сифати ўзгариши устидан назорат ўрнатилиши, сақлаш қоидаларига амал қилиниши, уларни саралаш, идишларга жойлаш ва ташишнинг тўғри ташкил этилиши маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ортишида асосий омил ҳисобланади.

Боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш тизимини ривожлантириш қуйидаги учта йўналишда амалга оширилиши тавсия этилади:

- боғдорчилик фермер хўжаликлари томонидан хусусий тарзда ёки кооперация шаклида ташкил этилиши;

- мева-сабзавотчилик агросаноат фирмалари доирасида агрофирма таъсисчилари маблағи ва асосий воситалари иштирокида ташкил этилиши;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозорлари тасарруфида, улгуржи бозорлар маблағ ва ташаббуслари асосида ташкил этилиши мумкин.

Маҳсулотларни сақлашни ташкил этиш пайтида бирйўла саралаш, идишга жойлаш ишлари қўшиб борилиши лозим. Бунда:

- маҳсулот сифати ва ўлчами бўйича сараланиши натижасида улгуржи ва чакана харидорлар ўзларига маъқул бўлган сифат ва ҳажмдаги маҳсулотларни харид қилишида вақт тежалади;

- маҳсулотларни омборхоналардан сотишга чиқариш ёки шу ернинг ўзида улгуржи сотишда ўз идишлари билан транспорт воситаларига юклаш камроқ сарф-харажатлар талаб қилиши билан биргаликда, маҳсулот сифати бузилишининг олди олинади;

- йирик омборхоналарда юк кўтариш, ортиш ва туширишни механизациялаш даражасини ошириш имкони туғилади.

Истиқболда боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш тизимини кенгайтиришнинг қуйидаги йўналишларини ривожлантирилиши мақсадга мувофиқ:

- меваларни бино ичида ҳаво оқими бошқариладиган, сунъий совутиладиган, ҳарорат ва намлик даражаси назорат қилинадиган йирик ҳажмдаги омборхоналар барпо этиш;

- меваларни тартибга солинадиган газли муҳитда полиэтилен ниқобларда

маҳсулот сифатини назорат қиладиган омборлар барпо этиш;

- кичик ҳажмдаги ва тез бузилмайдиган меваларни сақлашда табиий ҳолда ҳарорат ва намликни сақлаш имконини берувчи (ер тўла типдаги), ҳаво тизими бошқариладиган кичик омборхоналар қуриш.

Етиштирилган меванинг кўп қисми бозорга етмай нобуд бўлаётган бир шароитда, ички бозорга импорт қилинган мевалар кириб келиши кузатилмоқда. Шу боис боғдорчилик соҳасини ривожлантиришда маҳсулот сотиш тизимини такомиллаштириш зарурати ортмоқда. Бу зарурат энг аввало, маҳсулотни етиштириш ва истеъмолга етказиш тизимида савдо соҳасининг якунловчи босқич эканлиги билан изоҳланади. Чунки, маҳсулотни тайёрлаш, сақлаш, саралаш, қадоқлаш ва сотиш жараёнида истеъмол қиймати яратилади, унинг ташқи кўриниши яхшиланади ва бозоргирлиги ортади.

Деҳқон бозорлари орқали маҳсулотни нобуд қилмай, сифатини бузмай, қулай вақтда сотиш имкони жуда кам, чунки, маҳсулот етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари жойлашган ўрни жиҳатидан бозордан узоқлиги транспорт харажатлари ортишига олиб келади;

- узоқ масофага маҳсулотни ташиш учун жиҳозланган транспорт воситаси, тегишли тарздаги идишлар ва қадоқлаш воситалари зарур. Бундай воситалар деҳқон ва фермер хўжаликларида ҳар доим ҳам мавжуд эмас;

- боғдорчилик маҳсулотлари етиштирувчи кўп сонли деҳқон ва фермер хўжаликлари маҳсулот етиштириш, маҳсулот сотиш бозорларини ўрганиш, истеъмолчиларни қидириш ва унинг истеъмолчигача ҳаракатини самарали ташкил этиш имконига эга эмаслар;

Бугунги кунда харидорлар ва бозорга маҳсулот етказиб берувчи хўжаликлар эътиборини қозониш қўшимча хизмат турларини кўрсатишга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Бозорда сифатли ва чиройли маҳсулотга талаб юқорилигини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, ички ва ташқи бозорни ўзлаштириш кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ва ташқи кўриниши билан боғлиқ. Бунда маҳсулотларни навларга ажратиш, ўраш, қадоқлаш ва истеъмолчига ўз вақтида етказиб бериш катта аҳамиятга молик.

Фикримизча, республикамызда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозорлари фаолиятини такомиллаштириш, уларда ички иқтисодий механизмларнинг тўлиқ фаолият кўрсатишига эришиш, жумладан, улгуржи бозорлар ҳудудида замонавий омборхоналарни барпо этиш ва уларда бугунги кун талабларига мос келадиган сақлаш технологияларини жорий қилиш яхши самаралар беради.

Ушбу амалий ишлар натижасида:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турли муддатларда сифатли сақланади;
- маҳсулотларни саралаш, ўраш ва қадоқлаш ишлари ривожланади;
- исрофгарчилик кескин камаяди;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўз товарлилик хусусиятларини узоқ муддат йўқотмайди;
- маҳсулотларга бозорда талаб юқори бўлади;
- маҳсулотнинг фойдалилик даражаси ошади, сотилган ва сотиб олинган маҳсулотлар сотувчи ва харидорга кўпроқ наф беради (бунда сотувчи юқори фойда олади, истеъмолчининг эса сифатли маҳсулотга бўлган талаби қондирилади);
- маҳсулот истеъмолчига ўз вақтида етиб боради;

- етиштирилган мева ва сабзавотларни бирдан сотувга чиқармасдан, маълум вақт мобайнида сақлаб, кейин сотиш, чунончи, бозорда таклифи юқори бўлган маҳсулотларни улгуржи бозорларда ташкил қилинган омборхоналарда маълум вақт сақлаб, талаб ошган пайтда сотувга чиқариш имконияти туғилади;

- маҳсулотларни сифатли ташиш, автотранспортларга малакали ортиш ва тушириш хизматлари шаклланади;

- маҳсулотлар сифати ва катта-кичиклиги бўйича сараланиб, идиш (яшик, контейнер)ларга жойланади ва уларни ўрамлаш хизматлари такомиллашади;

- ҳар бир маҳсулот турини сифатли сақлаш технологияси жорий этилади ва ҳоказо.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозорлари ҳудудларида маҳсулотларни саралаш, идишларга жойлаш, ўраш шаҳобчаларини ташкил қилиш ва фаолиятини ривожлантириш яхши самара беради.

Улгуржи бозорларда маҳсулотларни саралаш, ўраш ва идишларга жойлаш ишлари ташкил қилинса, бунда:

биринчидан, мева ва сабзавотлар сифати ва катта – кичиклиги бўйича сараланади, бу эса, харидорларга сифат ва ҳажм жиҳатидан ўзларига маъқул маҳсулотларни харид қилиш имконини беради, қолаверса, шу орқали бизнесда энг муҳим омиллардан бири – вақт тежалади;

иккинчидан, мева ва сабзавотларни ўралган, идишларга жойланган ҳолда транспорт воситаларига юклаш уларни кўтарасига юклашга қараганда кам харажат ва вақт, шунингдек, оз меҳнат талаб қилади;

учинчидан, улгуржи бозорда ҳар бир маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятларини, юклаш, ташиш қоидаларини ўзлаштирган малакали мутахассислар харидорларга бу борада сервис – маслаҳат хизматини кўрсатадилар.

Чунки мева ва сабзавотлар билар-билмас, кўтарасига ташилса, ташиш даврида зарарланиб, сифатини йўқотади, бундан улгуржи харидор ҳам катта молиявий зарар кўриши мумкин. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозорларида юқорида қайд этилган хизмат турларини тўлақонли жорий этиш катта иқтисодий самара беради, пировард натижада бозорнинг иқтисодий механизми шаклланади ва бу орқали маҳсулот етиштирувчига ҳам, уни сотувчи ва харидорга ҳам қулайликлар яратилади.

3.2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасини ривожлантириш муаммолари

Агросаноат мажмуаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ тармоқлар йиғиндисидир. Агросаноат мажмуасини асосий вазифаси- аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли товарларига бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

Агросаноат мажмуасининг пировард маҳсулотни яратишда ишлаб чиқариш ва муомала соҳасининг турли босқиларида бевосита ва билвосита 70 дан ортиқ тармоқлар иштирок этади. Агросаноат мажмуаси таркибига технологик ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан охирги истеъмолчига етказиб беришгача бўлган жараёнда бевосита

иштирок этувчи тармоқлар киради. Ушбу жараёнда иштирок этаётган тармоқлар ўртасидаги нисбат агросаноат мажмуасининг тармоқ таркибини ташкил этади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида аграр секторни ислоҳ қилиш соҳасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Ислохотларнинг илк босқичида мамлакат қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш ва режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки асослари яратилди.

Бугунги кунда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 59,7 фоизи деҳқон хўжаликлари, 20,4 фоизи фермер хўжаликлари, 19,9 фоизи қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Гарчи, аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда сезиларли ютуқларга эришилган бўлсада, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар талайгина. Хусусан, агросаноат мажмуасида нарх номутаносиблигининг вужудга келганлиги ва унинг чуқурлашиб бораётганлиги қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий ва молиявий аҳволига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш шартномавий ва эркин нархларни етарли даражада асосланмаган бўлиб, ханузгача паст холдадир. Бу эса ихтисослаштирилган товар ишлаб чиқарувчи фермер ва жамоа хўжаликлари фаолиятининг ривожланишига салбий таъсир этмоқда. Кўп ҳолларда харид нархлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида ягона ҳукмрон истеъмолчилари ҳисобланган қайта ишловчи корхоналар ва тайёрлов ташкилотлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланмоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчилар етказиб берилган маҳсулот учун тўловларнинг кечикиши ҳолатига дуч келмоқдалар. Бу эса иқтисодий инқироз шароитида уларнинг даромадларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кейинги йиллардаги нарх сиёсати натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий имкониятлари анча чекланиб қолди. Саноат маҳсулотларига эркин нархлар сиёсати олиб борилди ва натижада қишлоқ хўжалиги сотиб олаётган ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, техника, уларни бутловчи қисмлари нархлари 15 йил (1991-2005) ичида 1400 марта ва ундан кўпроқ ошди. Қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари бўлган пахта ва донга нархлар эса 24-28 марта ошди, холос. Нархларнинг бундай шаклланиши қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий имкониятлари чекланишига сабаб бўлди ва бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги корхоналарида кўплаб бошқа муаммолар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бу ҳолати, ўз навбатида, умуман, мамлакат агросаноат мажмусининг жадал ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабли ҳам етиштирилаётган маҳсулотлар бирлиги тннархини имкон даражасида пасайтириш агросаноат мажмуаси асосий вазифаларининг иккинчиси ҳисобланади.

Худди шундай номутаносиблик йиллар бўйича токи 2009 йилда ҳам ўзгаришсиз қолмоқда. Бу эса ўз навбатида бошқа турдаги модди-техника ресурслари нархларининг пахта ва буғдой харид нархига нисбатан бирмунча юқорилигин кузатиш мумкин.

Аграр сектор ва унга хизмат кўрсатувчи саноат маҳсулотлари нархлари ўртасида кучли мутаносибликнинг келиб чиқишини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин.

-моддий-техника ресурслари ва хизматларга бўлган нархларнинг эркинлаштирилиши, уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархлари ўсиш динамикаси билан боғланмаганлиги;

-қайта ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва савдо корхоналарининг монопол ҳолати туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланган нархларнинг чекланганлиги;

-қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, аграр соҳа маҳсулотларига бўлган талаб эластиклигининг пастлиги туфайли турли тармоқлар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотлар нархлари ўзгариш суръатларининг турли хиллиги.

Минтақа агросаноат мажмуаси тармоқлари олдида мақсадли қуйидаги асосий вазифалар белгиланиши лозим:

1) маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш ва ассортиментини яхшилаш

2) Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи паст бўлишини таъминлаш.

3) Мамлакат агросаноат мажмуаси тармоқларида, айниқса, қишлоқ хўжалигида, меҳнат унумдорлигини ошириш.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари устувор мақсад бўлган эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш давлатимизнинг ривожланиши йўлидаги асосий мақсади ва йўналишидир.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳар бир давлатда бир қанча муаммоли ҳолатлар юзага келиши табиий ҳол. Ишсизликнинг мавжудлиги, аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида турмуш даражаси ва даромад кўрсаткичи бўйича кескин табақаланиши ҳавфи импортга бўлган талабининг ошиши шулар жумласидандир.

Ҳозирги пайтда ҳаммамизга маълумки, жаҳонда молиявий-иқтисодий инқирози кузатилаётган бир пайтда мамлакатимизда ўз куч ва имкониятларига таянган ҳолда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилаяпти.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз халқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлиб ялпи ички маҳсулотнинг 20 фоизи атрофида, аҳоли истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоиздан кўпроғи шу тармоқда етиштирилади.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида, яъни деҳқон, фермер ва шахсий томарқа хўжаликларида ер майдонлари ажратишнинг кескин кўпайтирилиши эвазига ўлкамизда ғалла, картошка, мева-сабзавот, гўшт ва сут каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми сезиларли даражада ортди. Ҳозирги кунга келиб, озиқ-овқат маҳсулотлари импортини 3 баравар камайитишга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1047-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоятида ҳам муҳим тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилаяпти.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш самарадорлиги ва салмоғининг ошиши натижасида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга эришилмоқда. Вилоятда қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан бир қаторда экспорт қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб келинаяпти.

Вилоятда мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аҳоли

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш учун нафақат хом ашё етиштириш, балки экспорт салоҳиятини ҳам ошириб бориш зарур. Бунинг учун айниқса етиштирилаётган хом-ашёни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ҳолига келтириш ва экспортбоп товарлар ишлаб чиқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган, экспортбоп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш учун қишлоқ хўжалигига чет эл инвестицияларини жалб этиш кўламини ошириш талаб этилади. Чет эл инвестициялари жалб қилиш орқали қишлоқ жойларга мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишловчи янги замонавий техника, ускуна ва технологиялар кириб келиши ва кўплаб қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилишига замин яратади. Бу эса ўз навбатида бўш ишчи кучини иш билан таъминлаш, янгидан-янги сифатли, рақобатбардош, замон талабларига жавоб берадиган товарлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятини яратади.

3.3. Боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш тизимини ривожлантириш имкониятлари

Бозор шароитида боғдорчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш, энг аввало маҳсулот етиштирувчи фермерга ўз фаолиятини амалга ошириши учун эркин иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, хусусий тармоққа хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, фермернинг мулкдор сифатидаги мақомини амалда таъминлаш талаб этилади. Аммо, шу билан биргаликда ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш нафақат ушбу вазиятлар мавжудлиги билан, балки кўп жиҳатдан етиштирилган маҳсулотни сотиш учун шароитларнинг мавжудлиги билан ҳам белгиланади.

Мавжуд вазиятни таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган пахта, ғалла ва пилла уюшган ҳолда сотиб олинаётган бўлса, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, боғдорчилик маҳсулотлари асосий қисми деҳқон бозорлари орқали истеъмолчиларга етиб бормоқда. Аммо, ушбу тизимда боғдорчилик маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари бугунги кунда кўплаб қийинчиликлар эвазига маҳсулотнинг истеъмолчигача бўлган ҳаракатини таъмин этмоқда. Маҳсулотни истеъмолчига етказиш жараёнида, қайта ишлаш ва тайёрлов корхоналари салмоғи ҳамон жуда паст даражада қолмоқда. Маҳсулот етиштирувчи деҳқоннинг маҳсулотини сотиш учун бозорларга кириб бориши, транспорт тизимини ташкил этиши, тара-қадоклаш материаллари харид қилиши каби муаммолар туфайли янада қийинлашиб боради. Бу эса маълум миқдордаги маҳсулотнинг бозорларга чиқмасдан нобуд бўлиши ёки паст баҳоларда сотилишига олиб келади.

Қайта ишловчи ва тайёрловчи соҳа ташкилотлари томонидан бозорга таклиф

этилаётган боғдорчилик маҳсулотлари сифати, ташқи кўриниши ва баҳолари истеъмолчи талабига жавоб беришида, маҳсулот сифатининг техник ва технологик, санитария меъёрларига, истеъмолчилар дидига жавоб бериши катта аҳамиятга эга. Аммо, қайта ишлаш ва тайёрловчи соҳа ташкилотлари фаолияти фермер манфаатини ҳам эътиборга олган ҳолда ташкил этилгандагина, маҳсулот етиштирувчи ва маҳсулотнинг кейинги ҳаракатини таъмин этувчи тайёрловчи, қайта ишловчи бўғинлар манфаатлари уйғунлиги таъмин этилгандагина кутилган натижага эришиш мумкин бўлади.

Ушбу вазифани ташкил этишда мева - сабзавотчилик йўналишидаги агросаноат фирмалари доирасида қайта ишлаш корхоналари ва тайёрлов тизими боғдорчилик маҳсулотларини нафақат қабул қилиши ва ўз вақтида ҳақини тўлаши, балки хўжаликка уни ташишда, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда, бўнак тўлашда ҳар томонлама ёрдам бериши лозим.

Айниқса агросаноат фирмаларининг фермер хўжаликлари билан ўз вақтида шартномалар тузиши, маҳсулотларни сотиб олиши, барча маҳсулотларни шартномада кўзда тутилган муддатларда қабул қилиб олиши, фермерларни идишлар ва қадоклаш материаллари билан таъминлаш вазифасини сифатли амалга ошириши лозимлиги бугунги кунда янада долзарблашмоқда.

Тадқиқотлар кўрсатишича, агросаноат фирмалари томонидан фермер хўжаликлари маҳсулотларини бевосита хўжаликнинг ўзида қабул қилиб олиш ва уларни ўз транспорти билан олиб кетишга доир мажбуриятларини ўз зиммасига олиши, фермер хўжаликларни маҳсулот ташиш вазифасидан озод қилиши борасидаги ишлар ҳам қониқарсиз аҳволда қолмоқда. Агросаноат фирмаларида махсус транспортлар етишмаслиги, моддий-техник базаси ночорлиги ва фермерлардан харид қилинган маҳсулотлар учун ўзаро ҳисоб-китоб интизоми борасидаги муаммолар бунга асосий сабаб бўлмоқда.

Агросаноат фирмалари доирасида ҳақиқий бозор тамойилларини жорий этиш, маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи, тайёрловчи, савдо соҳаси кохоналари манфаатларини мутаносиб таъмин этишда самарали бозор механизми шаклланиши секин кечмоқда. Боғдорчилик маҳсулотларига нарх шаклланишида қайта ишлаш соҳаси корхоналарининг устувор таъсири ва маъмурий усуллар унсурлари сақланиб қолмоқда. Бундай ҳолатларга нафақат субъектив сабаблар, мутахассиларда бозорга доир билимлар етишмаслиги, ташкилий ишларнинг сустлиги балки, агросаноат фирмалари шаклланиши ва ўтиш даври билан боғлиқ қийинчиликлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда мева, узум, сабзавот маҳсулотларини кўплаб етиштириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Етиштирилаётган боғдорчилик ва сабзавот маҳсулотлари ҳажми ички бозор талабига нисбатан анча ортиқ бўлиб, бу бозорда маҳсулот баҳосининг деҳқон учун зарарли нуқтага яқинлашиб қолишига олиб келади. Шунинг учун ҳам боғдорчилик учун йил яхши келган даврларда етиштирилган маҳсулотларни янги узилган ҳолда ёки қайта ишланган ҳолатда республикадан ташқарига олиб чиқиб сотишнинг самарали механизмини яратиш ҳозирги кунда катта аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада, ташкил этилган агросаноат фирмалари ўрнини кенгайтириш билан биргаликда жойларда кичик-кичик (худудий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда) улгуржи бозорлар тизимини ривожлантириш зарурати табора ортиб бормоқда.

Боғдорчилик маҳсулотларини уюшган ҳолда сотиш тизимида ички бозордаги

нарх-навони мувофиқлаштириб ушлаб туриш имконияти пайдо бўлади. Яъни, уюшган бозорлар тизими орқали маҳсулот пишиб етилган ва бозорга кўплаб таклиф этилган вақтда унинг ортиқчасини сотиб олиб, камайган вақтда бозорга чиқариш ва четга маҳсулот чиқариш ишлари самарали ташкил этилиши лозим.

Боғдорчилик маҳсулотлари асосан янги узилган ҳолда ва сақлаб, қайта ишланмаган ҳолда истеъмол қилиниши билан биргаликда уларни қайта ишлаш орқали консервалар, мураббolar, турли мева шарбатлари, қуйилтирилган шарбатлар тайёрланади, қандолатчилик саноатида кенг фойдаланилади. Шунингдек, республикамизда меваларни қуриштириб мева қоқи тайёрлаш борасида ҳам тажрибалар мавжуд. Қайта ишланган ҳолда боғдорчилик маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришда ёки сифатли сақлаш жараёнида маҳсулот сифати пасаймаслиги, кимёвий таркиби бузилмаслиги, узоқ масофага транспортда ташишга чидамлилиги ортиши боисдан уларни экспорт қилиш имконияти янада кенгайди.

Шунинг учун ҳам боғдорчилик маҳсулотларини ортиқча нобудгарчиликларга йўл қўймаган ҳолда, ташқи кўриниши ва сифатини пасайтирмасдан истеъмолчиларга етказиб беришда уюшган бозорлар хусусан, агросаноат фирмалари доирасида инфратузилма объектларини ривожлантириш аҳамияти зарурати тобора ортмоқда.

Ҳукумат қарорлари асосида янгидан ташкил этилган мева - сабзавотчилик агросаноат фирмалари бугунги кунда жиҳозланган замонавий мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган омборхоналарни барпо этиш имкониятига эга бўлишмоқда. Чунки, аксарият кўпчилик агросаноат фирмаларига фермер хўжаликларининг улушли мулки сифатида собиқ ширкат хўжаликлари балансида бўлган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш омборхоналари ўтказиб берилган. Ушбу омборхоналар негизида тез бузиладиган ва сақлаш жараёнида ўз сифат кўрсаткичларини пасайтирувчи мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш технологияларига амал қилиш имконини берувчи замонавий сақлаш тизимини яратиш имконияти анча юқори. Агросаноат фирмаларининг бундай имкониятидан фойдаланишда замонавий технология ва жиҳозлар сотиб олишда давлатнинг молиявий ва ташкилий-иқтисодий кўмаги жуда зарур.

Агросаноат фирмаларининг боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш ва уларни истеъмолчига етказиб бериш тизимидаги фаолият йўналишини белгилашда - республика ҳудудларининг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олиб, боғдорчилик маҳсулотларини янги узилган ҳолда бевосита «дала-дўкон» тизимида ёки сақлаш тизимидан фойдаланган ҳолда, маҳсулот бозоргирлик хусусиятини йўқотган ҳолатда эса қайта ишлаш корхоналари орқали истеъмолчига етказиш эътиборга олиниши лозим.

Маҳсулотларни сақлаш тизими қайси субъект тасарруфида бўлиши кўп жиҳатдан унинг замонавий ускуналар билан жиҳозланишига ёки ҳажми катта ёки кичиклиги сабаб бўлиши мумкин. Чунки, кичикроқ ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулот ҳажми кичиклиги, моливий маблағлар ҳажми чекланганлиги каби омиллар таъсирида яхши жиҳозланмаган ва кичикроқ сақлаш тизимига эга бўлиши мумкин.

Боғдорчилик маҳсулотларини сақлашда ҳар бир ҳудуддаги ва ҳудудлараро мавжуд сақлаш тизими объектларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, маҳсулот бозорларига (истеъмолчига) яқин ҳудудларда жойлашган, турли соҳаларга қарашли бўлган сақлаш тизими объектларини маҳсулотларни сақлашга жалб этиш, биринчидан, маҳсулотлар нобудгарчилигининг

олдини олиб, маҳсулот етиштирувчи деҳқон ва маҳсулотлар ҳаракати тизимида иштирок этувчи бўғинлар учун бевосита даромад манбаи бўлса, иккинчидан, маҳсулотларни сақлаш тизимида қўшимча инвестиция киришни рағбатлантирувчи муҳим моливий манба ҳисобланади.

Мева-сабзавотчилик соҳасидаги агросаноат фирмаларида боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга турли кўринишларда етказиш бериш билан боғлиқ бўлган ташкилий, иқтисодий ва технологик масалаларни ягона тизим доирасида мувофиқлаштириш имкони анча кенглиги сақлаш тизимини ривожлантиришга ҳам кенг имкониятлар беради.

Фақат бу ерда агрофирма таъсисчилари бўлган барча субъектларнинг яъни, мева етиштирувчи хўжаликлар, қайта ишлаш, сақлаш ва савдо соҳаси корхоналари манфаатлари уйғунлигини таъмин этувчи самарали механизм яратилиши лозим бўлади. Агросаноат фирмаларида сақлаш тизимини ривожлантириш имконияти кенглиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- тугатилган собиқ ширкат хўжаликларининг маҳсулот сақлаш омборхоналари, совутиш тизимида эга маҳсулот сақлаш мажмуалари, автотранспорт воситалари, тарози қурилмалари каби объектлар “ким ошди” савдоларига қўйилмасдан, собиқ пайчи ва ҳозирда фермер хўжалиги ташкил этган шахсларнинг улушли мулки сифатида агросаноат фирмалари устав жамғармасига киритилиши;

- ташкил этилган агросаноат фирмалари таркибига тара-қадоклаш хусусий корхоналарининг ҳам таъсисчи сифатида кириши, нафақат мева етиштирувчи фермер хўжаликлари учун, балки, меваларни қадоклаш, саралаш борасидаги хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиши билан ҳам белгиланади.

Тез бузиладиган ва мавсумий тарзда ёппасига пишиб етиладиган боғдорчилик маҳсулотларини бозорларга чиқиш олдидан омборхоналарда мавсумий сақлаш ишларининг самарали йўлга қўйилиши, маҳсулотларни сақлаш учун зарур шароитлар яратилиши, сақлаш жараёнида маҳсулотлар сифати ўзгариши устидан назорат ўрнатилиши, сақлаш қоидаларига амал қилиниши, маҳсулотларни саралаш, идишларга жойлаш ва ташиш жараёнларининг тўғри ташкил этилиши маҳсулотнинг бозоргирлиги ва рақобатбардошлиги даражаси ортишида асосий омил ҳисобланади.

Бугунги кунда харидор талаби асосан сифатли ва ташқи кўриниши жозибали мева-сабзавотларга кўпроқ бўлиб, бозордаги ушбу ўзгаришларни ишлаб чиқарувчи, сақлаш ва сотиш тизими ходимлари кўпроқ илғаб олиши ва унга мослашиб бориши даражаси даромадлари ошишининг асосий манбаи бўлиб қолмоқда.

Тез бузиладиган боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш ва ташиш тизими яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳисобига кўрилатган зарар нафақат фермер учун балки мамлакат иқтисодиёти учун келтирилган катта йўқотиш ҳисобланади. Хусусан:

- боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш ва ташиш жараёнидаги турли номутаносибликлар туфайли қишлоқ хўжалиги тармоғига келтирилатган зарар энг аввало боғдорчилик маҳсулотларининг nobудгарчилиги туфайли юзага келади. Тахминий ҳисоб-китобларга асосланадиган бўлсак, республикада етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотлари nobудгарчилиги (пишиб етилгандан сўнг истеъмолчига етмасдан nobуд бўлиш) 30-35 фоизга етади. Бу йўқотиш ҳисобидан бевосита фермер молиявий зарар кўради;

- сақлаш тизими паст даражада ривожланганлиги боис маҳсулот сифати

пасайиши юз беради. Натижада фермер яна маҳсулот сифати пасайиши туфайли (бозордаги ўртача баҳо пасаяди) ўртача 20-25 фоиз реал даромадини йўқотади. Мазкур йўқотилган маблағ, ҳисобига фермер ишлаб чиқаришни ривожлантиришга инвестиция қилиш имкониятларини бой беради. Шунингдек, ушбу ҳолат боғдорчилик билан боғлиқ бўлган иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ривожланишига ҳам салбий таъсир этади;

- маҳсулотларни сақлаш ва сотиш тизими ривожланмаганлиги натижасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг нобуд бўлган маҳсулот ҳисобидан бой берилган даромадлари, ижтимоий соҳани ривожлантириш имкониятига ҳам салбий таъсир этади. Ушбу салбий таъсирлар ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлганлар даромади пасайиши, ижтимоий соҳа ривожига ажратмалар камайиши кўринишида намаён бўлади;

- маҳсулотларни сақлаш, ташиш тизимлари яхши ривожланмаганлиги натижасида истеъмолчига таклиф этилаётган маҳсулотлар сифати, кимёвий таркиби бузилиши, санитария ҳолати ёмонлашуви юз беради. Бу эса, ўз навбатида, истеъмолчилар инсонлар соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Инсонлар соғлигини тиклашга кетадиган маблағлар, ишда банд бўлганларнинг шу туфайли ишга чиқмаслиги, меҳнат унумдорлиги пасайиши ҳисобига жамиятга яна оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган зарар келтирилади. Шунинг учун маҳсулотларни сақлаш тизимини ривожлантириш учун кетадиган маблағларни тежаш ва бу соҳадаги ислохотларни сусайтириш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайдиган ҳолат ҳисобланади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, республикамизда боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш тизимини ривожлантириш қуйидаги учта йўналишда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ (3.1-расм):


- боғдорчилик маҳсулотлари етиштирувчи қишлоқ хўжалиги ва корхоналари томонидан хусусий тарзда ёки кооперация шаклида (бир неча хўжалик маблағларини бирлаштирган ҳолда);

- мева-сабзавотчилик агросаноат фирмалари доирасида агрофирма таъсисчилари маблағлари ва асосий воситалари иштирокида;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозорлари тасарруфида, улгуржи бозорлар маблағ ва ташаббуслари асосида ташкил этилиши мумкин;

Бунда мавжуд шароитларни ҳисобга оладиган бўлсак, реал молиялаштириш манбалари сифатида маҳсулотларни сақлаш тизимини ривожлантиришдан бевосита манфаатдор бўлган ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳалари маблағлари, давлатнинг мақсадли имтиёзли кредит маблағлари, тижорат банклари ва бошқа молиявий институтлар маблағлари, лизинг компаниялари маблағлар ва ҳомий ташкилотлар (турли грантлар кўринишидаги) томонидан ажратиладиган маблағларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Турли ташкилотлар ва мулкчиликнинг турли шаклида ташкил этилган боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш тизими айти пайтда комплекс тарзда ўз ичига маҳсулотларни саралаш, идишларга жойлаш (қадоқлаш) ва сифатини назорат қилиш жараёнини ҳам олиши лозим. Чунки маҳсулотни сақлаш билан боғлиқ бўлган ушбу жараёнларни алоҳида-алоҳида амалга ошириш мумкин бўлсада, амалда улар бир-бири билан боғлиқ ва бири иккинчисини тақозо қилади. Жумладан, сақлашга қўйилаётган олмаларни ташқи томондан механик таъсирларга учраманганлиги, катта-кичиклиги, ранги, пишиб етилиши даражаси бўйича саралаш мақсадга



3.1-расм. Боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш тизимини ривожлантириш йўналишлари

тез бузиладиган кўпчилик боғдорчилик маҳсулотларини сақлашга қўйиш олдидан саралаш жараёни уларни махсус идишларга жойлаш билан бирга амалга оширилади. Идишларга жойлаш пайтида бир вақтнинг ўзида сифат ва истеъмолга яроқлилик экспертизаларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Тез бузиладиган боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш олдидан саралаш жараёнида истеъмолга яроқлилиги даражасини назорат қилиш амалдаги стандартлар талабига қанчалик жавоб бериши даражасини аниқлаш асосида ташкил этилиши керак.

Тез бузиладиган боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш олдидан саралаш маълум мақсад ва қоидаларга амал қилиниши лозим. Бундай қоидалар умумий қодалардан ташқари, биринчи навбатда ишлаб чиқарувчининг мақсадларига мос келгани ҳолда, бозор талабини максимал даражада ҳисобга олишни кўзда тутиши лозим. Шунинг учун ҳам маҳсулотларни саралашда маҳсулотнинг бозордаги баҳоси ва истеъмолчилар талаби шаклланишига бевосита таъсир этувчи маҳсулотнинг қуйидаги асосий кўрсаткичлари ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ:

- боғдорчилик маҳсулотларининг ташқи кўриниши, маҳсулотлар турларига мос келувчи шакли, ранги, пишиб етилганлик даражаси, ташқи томонидаги механик таъсирлар асоратлари;

- боғдорчилик маҳсулотларининг ўлчамлари бир хил бўлишига катта эътибор қаратиш лозим. Кузатишлар кўрсатишича, маҳсулот ҳаридоргирлиги аксарият ҳолларда мева - сабзавот маҳсулотлари ўлчамлари катта-кичиклигига эмас балки, бир хил ўлчамда сараланганлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда;

- маҳсулотнинг кимёвий таркиби ва истеъмолга яроқлилиги масаласи ҳам ўта долзарблик касб этмоқда. Аммо, бу масаланинг мураккаблиги шундаки, маҳсулотнинг кимёвий таркиби бозордаги истеъмолчи учун мавҳум кўрсаткич бўлиб, бунинг учун қонунчиликда кўзда тутилган тартибда махсус лаборатория томонидан тегишли тарзда берилган сифат сертификатлари илова қилиниши мақсадга мувофиқ;

- боғдорчилик маҳсулотларининг ўзига хос таъми, ҳидлари, кўриниши ва шу каби бошқа кўрсаткичлар ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Мавсумий етиштириладиган боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш орқали савдога чиқариш натижасида бозорларда нарх-навони барқарорлаштириш имконияти яратилади. Шунингдек, маҳсулотларни юқорироқ баҳоларда сотиш туфайли кўрилган фойда ҳисобига турли тармоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун инвестициялар киритиш имконияти анча кенгайди.

Маҳсулотни сақлаш олдидан саралаш жараёнида иштирок этадиган ходимлар махсус муддатли ўқув курсларидан ўтишлари ва бу борада муайян тажрибага эга бўлишлари лозим. Чунки, сақлаш жараёнида маҳсулот сифатининг бузилиши олдини олиш кўп жиҳатдан сақлаш қандай сифатдаги маҳсулот учун танлаб олинганлигига боғлиқ. Омборхоналардаги маҳсулотни сақлаш жараёнидаги назорат эса малакали мутахассислар томонидан амалга оширилиши лозим.

Маҳсулотларни сақлаш тизими объектлари ҳажмларининг катта-кичиклиги ҳудудий шарт-шароитлар, ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқаришнинг бозорга узоқ-яқинлиги кабилар билан белгиланади. Шунга қараб, омборхоналарни жиҳозлаш ва совитиш тизимини ўрнатишнинг мураккаблик даражасида ҳам фарқлар

мавжуд бўлади. Хусусан, катта омборхоналар мураккаб совитиш тизими ва сифатни назорат қилиш ускуналари билан жиҳозлаш имконини берса (иқтисодий жиҳатдан сарф-ҳаражатлар ўзини оқлайди), кичикроқ омборхоналарда бу тизимнинг сифати ва мураккабли даражаси пастроқ бўлиши мумкин.

Маҳсулотларни сақлашни ташкил этиш пайтида бирйўла саралаш, идишларга жойлаш жараёни олиб борилиши қатор қулайликлар яратади. Жумладан:

- маҳсулотлар сифати ва ўлчамлари бўйича сараланиши натижасида улгуржи ва чакана харидорларга ўзларига маъқул бўлган сифат ва ҳажмдаги маҳсулотларни омборхоналарнинг ўзидан харид қилиш ва катта миқдордаги вақтни тежаш имконини беради;

- маҳсулотларни омборхоналардан сотишга чиқариш ёки шу ернинг ўзида улгуржи сотиш ўз идишлари билан транспорт воситаларига юклаш камроқ сарф-ҳаражатлар талаб қилиши билан бирга бу маҳсулотлар маҳсулот сифати бузилишининг олди олинади;

- йирик жамдаги омборхоналарда юк кўтариш, саралаш, ортиш ва тушириш ишларини механизациялаш даражасини ошириш имкони туғилади.

Истиқболда боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш тизимини кенгайтиришнинг қуйидаги йўналишларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ:

- меваларни бино ичида ҳаво оқими бошқариладиган, сунъий совутиладиган, ҳарорат ва намлик даражаси компьютер тизими орқали назорат қилинадиган йирик омборхоналар барпо этиш;

- узоқроқ вақт сақлаш имконини берадиган меваларни тартибга солинадиган газли муҳитда полиэтилен ниқоблардан фойдаланиб, маҳсулот сифатини назорат қилиш имконини берувчи омборхоналар барпо этиш;

- кичик ҳажмдаги маҳсулотларни сақлашда ва тез бузилмайдиган меваларни (олма, анор, нок ва шу кабилар) сақлашда табиий ҳолда ҳарорат ва намликни сақлаш имконини берувчи (ертўла типдаги), ҳаво тизими бошқариладиган (шамоллатиш имкони мавжуд бўлган) кичик омборхоналар қуриш имкониятларидан ҳам фойдаланиш зарур.

Боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш пайтида мева оғирлиги камайиб боради. Бу камайиш асосан сақлаш шароитлари ва усулларига, сақлашга қўйилган меваларнинг навларига хос хусусиятлар, сақлаш муддати ва бошқа шаритларга ҳам боғлиқ. Жумладан, олманинг кишги навларини сақлашда маҳсулотнинг биокимёвий таркиби кескин ўзгариши (маҳсулот бузилиши) туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар сақлашга қўйилган маҳсулотнинг 0,3-0,5% ини ташкил қилади, шу даврдаги табиий камайиш эса 2,0-2,4% гача боради. Беш ой сақлаш давомида маҳсулотнинг бузилиши натижасидаги камайиш 3,0-3,5 %, табиий камайиш эса 3,5-5,0% ни ташкил қилади.

Назорат қилинадиган газли муҳитда маҳсулотларни сақлаш усулидан фойдаланиш маҳсулот камайишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бу усулни қўллаш учун эса зарур технологияларни ўзлаштириш, мутахассислар тайёрлаш талаб этилади.

Умуман олганда, боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш соҳасини ривожлантириш, замонавий омборхоналар барпо этиш, уларни жиҳозлашда замонавий техникалар ва технологиялардан кенг фойдаланиш, етиштирилган маҳсулотлар нобудгарчилигининг олдини олиш ва сифатининг бузилишини камайтириш орқали микроиқтисодиёт даражасида фермерга ва хизмат кўрсатиш

соҳаси корхоналарига, макроиктисодиёт даражасида эса жамиятга катта миқдорда ижтимоий-иктисодий даромад олиш имконини яратилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мустақил Республикамизда йилдан-йилга сабзавот ва мевалар этиштириш ортиб бормоқда. Сабзавот ва меваларнинг сифати, бир томондан, уларнинг тури ва навига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан уларни териш ва узиш муддатлари ҳамда уларни саралаш, товар ҳолатига келтириш, жойлаш, ташиш, сақлаш усулларига тўлиқ риоя қилиб боришга ҳам боғлиқдир. Бу ишлар ўз вақтида ва аоло бажарилганда маҳсулотнинг сифати ва таоми янада ортади.

Шунингдек, инсон организми учун жуда зарур бўлган қанд, витаминлар, биологик фаол ва минерал моддаларнинг кўпчилиги ноз-неоматларининг озиқалиги, тўйимлиги ва шифобахшлик аҳамиятини янада оширади. Шу сабабли ҳўл сабзавот, мева ва узумни имкони борича юқори сифатли ҳолда узок вақт сақлаш асосий вазифадир.

Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, этиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда.

1. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устивор вазифа сифатида изчил давом эттирилиши такидланди.

2016 йилги ҳосилдан бошлаб ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси жорий этилгани айтилди. Бу нақадар тўғри қарор бўлганини, ҳозир-ку, майли, яна бир неча йил ўтгандан кейин теранроқ англаймиз.

2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифа ва устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, шунингдек, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ҳамда диверсификациялашнинг ўрта муддатли дастурлари изчил бажарилиши самарасида жорий йилнинг биринчи ярмида барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш, макроиктисодий мувозанат ва асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиши таъминланди.

2014 йилнинг биринчи ярмига нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,1 фоиз, саноат маҳсулотлари 8,1 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 6,5 фоиз ўсди. Макроиктисодиёт барқарорлигини янада мустаҳкамлаш давлат бюджети профицитининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз ва мамлакат ташқи савдо айланмасининг 83,4 миллион долларлик ижобий сальдоси ҳамда солиқ юкини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17,7 фоиздан 17,4 фоизга изчил камайтириш орқали таъминланди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари жами ички даромадни 10,8 фоиз ошириш имконини берди. Шунингдек, истеъмол талабини рағбатлантириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар чакана савдо айланмаси ҳажмини 14,8 ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни 10,4 фоиз оширишда ўз ифодасини топди.

2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури ижроси доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида 7,5 мингдан зиёд хизмат кўрсатиш ва сервис объектларининг ташкил этилиши хизматлар ҳажмининг 13,1 фоиз ўсиши ва ялпи ички маҳсулотда ушбу соҳа улушини 52,9 фоизгача ошириш имконини берди (2014 йилнинг биринчи ярмида 52,7 фоиз).

2. Эътибор берайлик, давлат буюртмаси доирасида тузиладиган контрактация шартномалари қийматининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўнак берилиши белгилаб қўйилгани маҳсулот етиштирувчининг оғирини енгил қилиш дегани-да. Зеро, бизнеснинг оддий қондасига кўра, мўмай даромад олиш учун аввал маблағ сарфлаш ва икки барабар қилиб қайтариш чорасини кўриш керак. Ажратиладиган бўнак пули бизни сармоя жамғариш ташвишидан халос этади.

3. Аслида бу муҳим ҳужжатнинг ҳар бир банди ҳақида алоҳида-алоҳида мақола тайёрлаш мумкин. Масалан, қарорнинг бир бандида ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум деҳқону фермер билан келишилиб, бозор нархларида харид қилиниши аниқ кўрсатилган. Ахир бу шунчаки қулайлик эмас, қишлоқ мулкдорига эркин фаолият юритиши учун яратилаётган шарт-шароитларнинг амалий намунаси! Бизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ифодаси кейинги бандда ўз аксини топган. Унинг мазмуни шундан иборатки, тайёр маҳсулотимизни чет элга сотиш ишлари “Ўзагроэкспорт” ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси томонидан хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали амалга оширилади ва бунда комиссия хизмати учун тўлов миқдори 1 фоиздан ошмайди.

Аграр тармоқ мутахассислари, кўпни кўрган деҳқонлар ушбу қарорни айни вақтида қабул қилинган ҳужжат сифатида эътироф этишяпти. Бунда икки жиҳат яққол кўзга ташланади. Биринчиси, ислохотларнинг босқичма-босқичлиги билан боғлиқ. Яъни, бизда аввал ҳам мева-сабзавотни кўпайтириш имконияти бор эди, уни асл ҳолича сақлайдиган омборларимиз, қайта ишлаш корхоналаримиз етишмасди. Тайёр маҳсулотни чиройли қадоқлаш бўйича тажрибамиз камлик қиларди.

Шунинг учун бугунги куннинг қишлоқ хўжалик мутахассислари қишлоқ хужалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш технологияларини пухта билишлари катта амалий аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини билиш, стандартлаш системаси билан танишиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиясининг ўзлаштирилиши маҳсулот сифатини оширади ва нобудгарчиликни имкони борича камайтиради. Ҳозирги қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган изчил иқтисодий ислохотлар аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириши ва бу соҳадаги таъминотни тубдан яхшилаб жаҳон андозаларига тенглаштириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш миқдори ортиб борган сари уларни сақлаш ва қайта ишлаш ҳам тўғри йўлга қўйилиши керак, бунинг учун эса янги замонавий омборхоналар ва қайта ишлаш корхоналари бунёд этилиши, қолаверса, бу борадаги фан-техника ва илгор технологияларни тадбиқ этиш, хориж тажриба ютуқларини ўрганиб ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиши мақсадга

мувофиқ бўлади. «Кишлоқ хужалиги ва дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси» курси бўйича ёзилган мазкур дарслик қишлоқ хужалиги маҳсулотларини дон ва уни қайта ишлаш, маҳсулотларини қабул қилиш, жойлаштириш, ва сақлашда юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал қилиш чора-тадбирларини очиқ беришга имкон яратади.

5. Ҳозирги замон қишлоқ хўжалик мутахассислари қишлоқ хужалиги маҳсулотларини сақлаш технологияси курсини пухта билишлари катта амалий аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини билиш, стандартлаш системаси билан танишиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиясининг ўзлаштирилиши маҳсулот сифатини оширади ва нобудгарчилиқни имкони борида камайтиради.

6. Йиллар давомида бу борадаги вазифалар тадрийжийлик асосида бажариб келинди. Фикримиз исботи учун бир нечта рақам келтиришнинг ўзи кифоя:

2015 йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сифимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса йил давомида нархларнинг ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш баробарида эҳтиёждан ортиқини юксак сифат белгиси билан экспорт қилиш имконини бермоқда.

Иккинчи жиҳат жаҳон мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари бозоридаги ўзгаришларга келиб тақалади. Масалан, илгари олма-анор ёхуд қовоқни бошқа жойлардан импорт қилган давлатлар ҳам айна пайтда Ўзбекистонга юзланаяпти. Бойси бизнинг маҳсулотларимиз табиийлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимиз ўзаро ҳамкорлик бобида хорижий шерикларнинг ишончини қозонди.

Бутун дунё кузатиб турибдики, республикаимизда аграр тармоқнинг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби йўналишлари жадал суръатларда ривожланыпти. Хусусан, ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.

Шу ўринда 2015 йилнинг 10 июнь куни Римда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига (ФАО) аъзо давлатларни очарчиликка барҳам бериш бўйича сабй-ҳаракатлари учун мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу маросимда Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришганлиги учун мукофотланган 14 мамлакатдан бири бўлди.

2015 йил мобайнида Ўзбекистонда 7 млн 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 млн 350 минг тоннадан ортиқ пахта хом ашёси етиштирилди. Бундан ташқари, етиштирилган мева-сабзавотлар 18,7 млн тоннадан ортиқни ташкил қилиб, шундан 12 млн 592 минг тоннаси сабзавот ва картошка, 1 млн 850 минг тоннаси полиз маҳсулотлари, 1 млн 556 минг тоннаси узум ҳамда 2 млн 731 минг тоннаси мевалар ҳиссасига тўғри келади³.

Шу ўринда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра ривожланаётган мамлакатларда бир киши учун кундалик 400 грамм яъни йилига ўртача 145 кг мева ва сабзавот маҳсулотларини истеъмол қилиш меъёри сифатида белгиланган. Мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аҳоли жон бошига қарийб 300 кг сабзавот, 75 кг картошка ва 44 кг узумни ташкил

этади. Бу кўрсаткич оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир. Ўз-ўзидан маълум бўладики, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш салоҳияти юқори ўринлардан бирини эгаллайди.

Тадқиқотлар кўрсатишича, республикаимизда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш тизимини ривожлантириш учта йўналишда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- боғдорчилик маҳсулотлари етиштирувчи қишлоқ хўжалиги ва корхоналари томонидан хусусий тарзда ёки кооперация шаклида (бир неча хўжалик маблағларини бирлаштирган ҳолда);

- мева-сабзавотчилик агросаноат фирмалари доирасида агрофирма таъсисчилари маблағлари ва асосий воситалари иштирокида;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозорлари тасарруфида, улгуржи бозорлар маблағ ва ташаббуслари асосида ташкил этилиши мумкин;

Маҳсулотларни сақлашни ташкил этиш пайтида бирйўла саралаш, идишларга жойлаш жараёни олиб борилиши қатор қулайликлар яратади. Жумладан:

- маҳсулотлар сифати ва ўлчамлари бўйича сараланиши натижасида улгуржи ва чакана харидорларга ўзларига маъқул бўлган сифат ва ҳажмдаги маҳсулотларни омборхоналарнинг ўзидан харид қилиш ва катта миқдордаги вақтни тежаш имконини беради;

- маҳсулотларни омборхоналардан сотишга чиқариш ёки шу ернинг ўзида улгуржи сотиш ўз идишлари билан транспорт воситаларига юклаш камроқ сарф-харажатлар талаб қилиши билан бирга бу маҳсулотлар маҳсулот сифати бузилишининг олди олинади;

- йирик жамдаги омборхоналарда юк кўтариш, саралаш, ортиш ва тушириш ишларини механизациялаш даражасини ошириш имкони туғилади.

Истиқболда боғдорчилик маҳсулотларини сақлаш тизимини кенгайтиришнинг қуйидаги йўналишларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ:

- меваларни бино ичида ҳаво оқими бошқариладиган, сунъий совутиладиган, ҳарорат ва намлик даражаси компьютер тизими орқали назорат қилинадиган йирик омборхоналар барпо этиш;

- узоқроқ вақт сақлаш имконини берадиган меваларни тартибга солинадиган газли муҳитда полиэтилен ниқоблардан фойдаланиб, маҳсулот сифатини назорат қилиш имконини берувчи омборхоналар барпо этиш;

- кичик ҳажмдаги маҳсулотларни сақлашда ва тез бузилмайдиган меваларни (олма, анор, нок ва шу кабилар) сақлашда табиий ҳолда ҳарорат ва намликни сақлаш имконини берувчи (ертўла типдаги), ҳаво тизими бошқариладиган (шамоллатиш имкони мавжуд бўлган) кичик омборхоналар қуриш имкониятларидан ҳам фойдаланиш зарур.